941.	آمد؛ آمد داشتن (کردن)؛ کارش آمد دارد	omad; omad doshtan (kardan); korash omad dorad	1) омади келиш (юриш), омадлилик, иши юришганлик, омад, бахт, муваффақият, ютуқ, иқбол; 2) درآمد [daromad]*га қаранг*; омади келмоқ (юрмоқ), иши ўнгидан келмоқ (*кимнигдур* برای);

			у бу масалада омадли
942.	امد	amad	чек, чегара, охир, поён, тамом, ниҳоя, интиҳо, сўнг
943.	امر – امور؛ امر خير	amr-o’mur; amre xayr	**I.**1) иш, юмуш, машғулот, вазифа, бурч, касб, ҳунар, машғулот; а) яхши, эзгу иш; б) тўй, никоҳ тўйи; 2) воқеа, ҳодиса
	امر – اوامر؛ امر خدا؛ به امر کسی؛	amr-avomer; amre xudo; ba amre kasi;	**II.**1) буйруқ, амр, фармойиш, оғзаки буйруқ; Худонинг иродаси; 2) фармон, кўрсатма; кимнингдур буйруғи билан, кимнингдур

	امر دادن (کردن)	amr dodan (kardan)	буйруғи билан; а) буюрмоқ, буйруқ (фармон) бермоқ, амр қилмоқ, буйруқ бериш (*кимгадир-нимагадир* را ,به); б) буйруқ (фармойиш) бермоқ, буюрмоқ, амр қилмоқ (*кимгадир-нимагадир* را ,به), команда бермоқ, бошқаларга буйруқ бермоқ (*кимгадир-нимагадир* را ,به)
944.	امراض	amroz	مرض [maraz] нинг кўплиги
945.	امربر	amrbar	хат ташувчи (хабарчи), хабар (сигнал) берувчи, огоҳлантирувчи
946.	امرد – امارد	amrad-amored	**I.**1) ўспирин, йигит; 2) ғайратсиз

			(пассив) баччавоз, бесоқолвоз; **II.** соқоли йўқ, соқоли чиқмаган, кўса
947.	امرداد	amo’rdod	مرداد [mo’rdod] га қаранг
948.	امروز؛ امروز و فردا؛ از امروز؛ امروز و فردا کردن	emruz; emruz va fardo; az emruz; emruz va fardo kardan	бугун, шу бугун; яқин кунларда, тез орада; бугундан бошлаб; *сўзлашувда* эртага қолдирмоқ, кечиктирмоқ
949.	امروزه	emruza	1) ҳозир, энди, эндиликда, ҳозирги кунда (пайтда, вақтда), бугун, ҳозирги пайтда, ҳозирда; 2) ҳозирги, эндиги, шу кунги, шу замондаги, бу йилги, шу

			пайтдаги, шу топдаги, ҳозирги вақтдаги, замонавий, ҳозирги кундаги (замондаги), ҳозирги кун талаблари даражасидаги
950.	امروزی	emruzi	бугунги, шу бугунги, ҳозирги, эндиги, шу кунги, шу замондаги, бу йилги
951.	امرونهی؛ امرونهی کردن	amro’nahi; amro’nahi kardan	хўжайинлик, қўмондонлик, ҳокимлик, ҳукмронлик, устунлик, салтанат; хўжаликни бошқармоқ (*қаердадир* در); команда бермоқ, қўмондонлик қилмоқ, бошқармоқ (*ким биландир* به,

			нима биландир در)
952.	امریکایی	emrikoyi va amrikoyi	1) Америкага ва америкаликларга оид, Америка, америкалик(лар), америкача; 2) америкалик (*эркак, аёл*)
953.	امریه	amriye	буйруқ, амр (*ёзма*)
954.	امساک؛	emsok;	1) хасислик, зиқналик, қаттиқлик, қурумсоқлик, ўтакетган хасислик, зиқналик, қурумсоқлик, қоқбошлик; 2) ўзини (нафсини) тийиш, сақланиш, сабр, қаноат, ўртачалик, мўътадиллик, эвидалик;
	امساک خون؛	emsoke xun;	3) *баъзан* ушлаб қолиш, тўхтатиш;
	امساک کردن	emsok kardan	

			қон тўхташи; а) қизғанмоқ, аямоқ, қизғанчиқлик (қаттиқлик, хасислик) қилмоқ, кўзи қиймаслик, жуда ҳам хасислик (зиқналик) қилмоқ, қурумсоқлик қилмоқ, бирор нарса беришда титраб-қақшамоқ (ر); б) сабр-қаноатни, мўътадилликни намоён қилмоқ (*бирор нарсада* ر); в) *баъзан* ушлаб қолмоқ, сақлаб қолмоқ, тўхтатмоқ

955.	امسال	emsol	1) бу йил; 2) жорий, бу йил
956.	امساله، امسالی	emsole, emsoli	**I.** бу йил, бу йилга тегишли; **II.** امسال [emsol] 2 га қаранг
957.	امشب	emshab	1) шу кеча, бу кеча, бу оқшом; 2) бугун кечқурун, бугун оқшом
958.	امصار	amsor	مصر [mesr] 1 нинг кўплиги
959.	امضاء؛ نامه به امضاء؛	emzo; nome ba emzo;	1) имзо чекиш, қўл қўйиш, имзолаш, имзо, қўл, виза (ҳукуматнинг бошқа мамлакат фуқароси паспортига унинг келиш-кетиши ёки ўтиши учун рухсат бериб қўядиган махсус белгиси); ... имзоланган хат;

	امضاء دادن؛	emzo dodan;	2) имзо чекиш, қўл қўйиш, имзолаш, имзоланиш; 3) *полиграфия* сигнатура (*ҳар бир босма листнинг биринчи ва учинчи саҳифаси остига, бурчакка қўйиладиган рақам*);
	امضاء شدن؛	emzo sho’dan;	
	امضاء کردن؛	emzo kardan;	обуна бўлмоқ, топширмоқ;
	امضاء گرفتن؛	emzo gereftan;	имзоланмоқ, обуна бўлмоқ; а) имзоламоқ; б) имзо қўймоқ, қўл қўймоқ, имзо чекмоқ;
	به امضاء رساندن؛	ba emzo rasondan;	а) тилхат олмоқ; б) мажбурият олмоқ;

	به امضاء رسیدن؛ به امضاء کسی رساندن	ba emzo rasidan; ba emzoye kasi rasondan	имзолаш учун етмоқ (*бирор нарсани* ға); امضاء шдон [emzo sho’dan]га қаранг; имзо учун кимгадир тақдим этмоқ
960.	امضا کننده	emzoko’nande	имзо чекувчи, қўл қўювчи, имзолаган
961.	امضایی؛ اسناد امضایی	emzoyi; asnode emzoyi	имзоси остида, имзоланувчи; имзоланиши керак бўлган ҳужжатлар
962.	امطار	amtor	матр [matar] нинг кўплиги
963.	امعان؛ امعان نظر؛ (*тожикча*)	em’on; em’on nazar;	1) диққат, эътибор, илтифот, диққат билан қараш, зийраклик, ҳушёрлик, синчковлик; 2) тушуниб

	امعان نظر کردن؛ مورد امعان نظر قرار دادن	em’on nazar kardan; mavrede em’on nazar qaror dodan	етиш, уқиш, идрок қилиш, англаш (*бирор нарсани*); а) диққат билан қарамоқ (*бирор нимага* در); б) чуқур ўрганмоқ, чуқур кириб бормоқ (*бирор нарсага* در); امعان نظر کردن [em’on nazar kardan] га қаранг
964.	آمفی تاتر	omfiteatr	амфитеатр (1) Юнонистон ва қадимги Римда очиқ томошагоҳ ва унинг доиравий ва ярим доиравий, баландлаб борувчи ўринлари; 2) ҳозирги томоша

			залларида партердан кейинги, баландлаб борувчи ўринлар)
965.	امکان؛ بقدر امکان؛ خارج از امکان؛ در صورت امکان؛ امکان یافتن؛ امکان دارد	emkon; ba qadare emkon; xorej az emkon; dar surate emkon; emkon yoftan;	имкон, имконият, эҳтимоллик, юз бериши (бўлиши) мумкинлик, эҳтимол; имкон қадар, иложи бўлса; имконсиз, мумкин бўлмаган, маҳол, имкони йўқ, имкондан ташқари, амалга ошмайдиган, қилиб бўлмайдиган; иложи бўлса, агар мумкин бўлса;

		emkon dorad	имкониятга эга бўлмоқ; эҳтимол, мумкин, шояд, имкон борича
966.	امکنه	amkene	مکان [makon]нинг кўплиги
967.	امل	amal	آمال [omol] нинг бирлиги
968.	املاک	amlok	ملک [melk va mo’lk I] нинг кўплиги
969.	امن؛	amn;	**I.**1) хавфсизлик, хавф-хатарсизлик, бехатарлик, ишончлилик; 2) тинчлик, жимжитлик, сокинлик, сукунат, осойишталик, хотиржамлик, оғирлик, вазминлик, босиқлик, ором, ҳузур-халоват; **II.** 1) хавфсиз, хавф-хатарсиз,

	محل امن	mahale amn	бехатар, бетахлика, хавф-хатардан ҳоли, зарарсиз, безарар, хавф-хатар таҳдиди йўқ, хавф-хатардан тинч, ишончли, ишонарли, ишонса бўладиган, ишончли, мустаҳкам; хавфсиз жой; 2) тинч, жимжит, сокин, осойишта, хотиржам, бехавотир, беғалва, бамайлихотир, ювош, мулойим
970.	امناء؛ اجرا امناء؛ امناء دولت؛	o’mano; ejroye o’mano;	امين [amin] 2 нинг кўплиги; *оғзакида* суд ижрочилари; *оғзакида* давлат

	هیئت امناء	o’manoye do’vlat; hay’ate o’mano	вакиллари; васийлар кенгаши (*масалан университетда*)
971.	امن وامان	amno’amon	امن [amn] *га қаранг*
972.	آمنه	omene	тўғралган ўтин тўплами
973.	امنیبوس	o’mnibus	омнибус (кўп шринли киракаш извош)
974.	امنیت؛ امنیت خاطر؛	amniyyat; amniyyate xoter;	1) иттифоқлик, иноқлик, тотувлик, тинчлик, осойишталик, ором, ҳузур-ҳаловат, жимжитлик, сокинлик, сукунат, хотиржамлик, оғирлик, вазминлик, босиқлик; хотиржамлик, кўнгил хотиржамлиги;

	شورای امنیت	sho’roye amniyat	2) хавфсизлик; Хавфсизлик Кенгаши
975.	امنیه	o’mniyye	истак, тилак, орзу, хоҳиш, хоҳлаш, интилиш
976.	اموال؛ اموال غیر منقول؛ اموال منقول	amvol; amvole g’eyre manqul; amvole manqul	мал [mol] 1 1) нинг кўплиги; кўчмас мулк; кўчар мулк
977.	امورات	o’murot	1) امор [o’mur] га қаранг; 2) *сўзлашувда* ҳаёт, умр, тирикчилик, тириклик, турмуш, борлиқ
978.	آموزش؛	omuzesh;	1) ўқитиш, ўргатиш, таълим бериш; 2) маърифат, маълумот, таълим, маориф, оқартув;

	آموزش عالی؛ دایره آموزش؛ وزرات آموزش و پرورش؛ وزرات آموزش و علوم عالی؛ آموزش دیدن	omuzeshe oliy; doereye omuzesh; vuzarote omuzesh va parvaresh; vuzarote omuzesh va o’lume oliy; omuzesh didan	олий маълумот; ўқув қисми; маориф вазирлиги (*айнан* таълим ва тарбия вазирлиги); олий таълим вазирлиги; 3) ўқиш, таълим олиш, ўрганиш, ўқитиш, ўргатиш, таълим бериш, таълимот, назария, мактаб, теория; 4) ўрганмоқ, ўрганиб билмоқ, ўқиб билиб олмоқ; ўқимоқ, таълим олмоқ
979.	آموزشگاه؛	omuzeshgoh;	мактаб, билим юрти, ўқув юрти;

	آموزشگاه عالی	omuzeshgohe oliy	олий ўқув юрти
980.	آموزش و پرورش	omuzesh va parvaresh	1) таълим ва тарбия; 2) педагогика
981.	آموزشی	omuzeshi	ўқишга оид, ўқув
982.	آموزگاری؛ آموزگاری کردن	omuz(e)gori; omuz(e)gori kardan	1) касб, ўқитувчилик касби; 2) устозлик, мураббийлик, раҳбарлик, таълим, ўқитиш, дарс бериш, таълим бериш, метод; ўқитмоқ, дарс бермоқ, ўқитувчилик (муаллимлик) қилмоқ, ўқув фаолияти билан шуғулланиш
983.	آموسنی، اموسنی	omvesni, amvesni	бир хотин бошқасига нисбатан (*умумий эри бўлган аёллар учун*)

984.	امن؛	amn;	**I.**1) хавфсизлик, хавф-хатарсизлик, бехатарлик, умид; 2) тинчлик, жимжитлик, сокинлик, сукунат, осойишталик, хотиржамлик, оғирлик, вазминлик, босиқлик, ором, ҳузур-ҳаловат, иттифоқлик, иноқлик, тотувлик, сулҳ, ярашиш, ярашув, яраш-яраш; **II.**1) хавфсиз, ишончли; хавфсиз жой; 2) беғалва, беташвиш, бехавотир, ғавғосиз, осойишта, қобил, тинч,
	محل امن	mahale amn	

			хотиржам, ювош, тотув
985.	آمه	ome	сиёҳдон
986.	امهری	amhari	آماری [omori] га қаранг
987.	امی	o’mmi	**I.**1) онага тегишли, онаники, оналарга хос бўлган, оналарча, оналик, бачадонга оид; 2) она томонидан; **II.** *сўзлашувда* илмсиз, билимсиз, ўқимаган, оми, саводсиз, ўқиш-ёзишни билмайдиган, саводсизларча бажарилган, хато ёзилган (чизилган), билар-билмас қилинган, хатолари кўп

988.	امیال	amyol	میل [meyl] нинг кўплиги
989.	آمیختگی	omixtegi	1) аралаш, аралашганлик; 2) бирикиш, бирикма, бириктирув, қўшилма, қўшма
990.	امید؛ به امید اینکه (آنکه)؛ امید بریدن؛ امید داشتن (بستن)؛	o’m(m)id; ba o’mide inke (onke); o’mid bo’ridan; o’mid doshtan (bastan);	1) умид, ишонч, орзу; деган умидда …; 2) Умид (*эркак киши исми*); умидни йўқотиш (*кимдандир-нимадандир* از); маъюсланмоқ (*бирор нарсадан* از); умид қилмоқ, умид боғламоқ, умидвор бўлмоқ, кўз тутмоқ, умид қилмоқ, умидвор бўлмоқ (*кимдандир-*

	به امید دیدار	ba o’mide diydor	*нимадандир* به), умид қилишга интилмоқ; хайр, саломат бўлинг, кўришгунча, тез орада кўришгунча
991.	امیدگاه	o’midgoh	умид, мададкор, суянч, суянчиқ, таянч, тирак, тиргак
992.	امیدواری؛ امیدواری یافتن	o’midvori; o’midvori yoftan	умид, орзу-умид, ишонч, орзу; умид топмоқ
993.	امیر – امراء	amir-o’maro	1) амир (унвон ва шу унвонга эга бўлган шахс); 2) подшоҳ, шоҳ, ҳукмдор, ҳоким; 3) Амир (*эркак киши исми*)
994.	امیرزاده	amirzode	ўғил, амирнинг вориси
995.	انابیب	anobib	**I.** انبوبه [anbuba]

			нинг кўплиги; **II.** ناب [nob] II нинг кўплиги
996.	اناث؛ اناث و ذكور	o’nos va enos; o’nos va zakur	انثی [o’nsa] нинг кўплиги; аёллар ва эркаклар
997.	آنارشی	onorshi	анархия (ҳар қандай ҳокимиятни, давлатни инкор этиш), бошбошдоқлик, ҳокимиятсизлик, режасизлик, бебошлик, тартибсизлик
998.	آنارشی	onorshi	анархист, анархизм тарафдори, анархистлар ташкилотининг аъзоси
999.	آنارشیسم	onorshism	анархизм (ҳар қандай давлат ҳокимиятини ва курашни инкор этувчи, революцион-

			пролетариат диктатурасига қарши бўлган реакцион майда буржуа оқими)
1000.	آنالیز	onoliz	анализ, таҳлил
1001.	انباء	anbo	نباء [nabo’] *баъзан* нинг кўплиги
1002.	انبار؛ انبار صحرایی؛ انبار غله؛ انبار انبار؛ انبار کردن	ambor; ambore sahroiy; ambore g’alla; ambor ambor;	1) омбор, омборхона, склад, нарсалар сақланадиган (асраладиган) жой; хирмон, сарой, усти берк хирмон; дон омбори, элеватор (*механизацияла штирилган катта ғалла омбори*); 2) انباشتن [anboshtan] феълининг ҲЗН;

		ambor kardan	бутун омборлар; а) омборга жойламоқ; б) жамғармоқ, орттирмоқ, тўпламоқ, йиғмоқ, жамламоқ, ғамламоқ, қўр қилмоқ, захира қилмоқ, ғамлаб (захира, қзр қилиб, тайёрлаб қўймоқ)
1003.	انبارداری؛ انبارداری کردن	ambordori; ambordori kardan	1) сақлаш жойи тўлови; 2) омборни бошқармоқ; 3) донни тўпланиши (*сотиш учун*); а) омборни бошқариш; б) донни тўплаш (*сотиш учун*)
1004.	انباردگی	ambordegi	انباشتگی [amboshtegi]га қаранг
100	انباغ	ambog’	1) انباز [anboz]га

5.			қаранг; 2) бир хотин бошқасига (*умумий эри бўлган аёллар ҳақида*)
1006.	انبان	ambon	1) саёҳат чарм сумкаси, тери сумка (*чўпоннинг, саргардоннинг*); 2) қўлда тўқилган мўйна (*дам бериб ҳаво билан тўлдириш учун*)
1007.	انتباه نامه	entebohnome	*оғзаки* листовка, варақа, прокламация (ташвиқот мақсадида тарқатиладиган сиёсий мазмундаги варақа)
1008.	انتحال؛ انتحال کردن	entehol; entehol kardan	плагиат, адабий ўғирлик, кўчирмачилик; адабий ўғирлик содир этмоқ

1009.	انتخاب؛	entexob;	1) танлаш, сайлаш, тўплам, тортиб олмоқ, олиб қўймоқ, қайтариб олмоқ, танламоқ, сайламоқ, сараламоқ, танлаб олмоқ; 2) сайлаб қўймоқ, териб олмоқ, йиғиб қўймоқ
1010.	انتخاب کننده	entexobko’nande	сайловчи, сайлашга вакил қилинган киши, танловчи, хилловчи, сараловчи
1011.	انترن	antern	талаба-амалиётчи (*госпитальда, касалхонада*)
1012.	آنتریگ؛	ontrig;	**1)** 1) интрига, фитна, дасиса, қутқу; 2) интрига (мураккаб сюжет чизиғи); 3) ишқий саргузашт,

	آنتریگ کردن	ontrig kardan	ошиқ-маъшуқлик; **2)** ғаламислик, иғвогарлик, иғво, фитна, васвасага солиш; а) фитна (қутқу) солмоқ, фитна уюштирмоқ, ғаламислик қилмоқ; б) ёмон ишга ундамоқ, гижгижламоқ, васвасага солмоқ, иғво қилмоқ, ғаламислик қилмоқ
1013.	انتساب	entesob	1) муносабат, муомала, муносабатда (муомалада) бўлиш, қараш, нуқтаи назар, қараш, боғланиш, алоқа, алоқадорлик,

			боғланганлик, боғлиқлик, мансублик, қарашли бўлиш; 2) келиб чиқиш, насаб, насл-насаб, насли, насаби, асли; 3) пайдо бўлиш, келиб чиқиш, яратилиш, шажарага (силсилага) оид, шажара, силсила, генеалогия (насл-насаб тарихи, насабнома, шажара, силсила), насабшунослик, тарих фанининг айрим уруғ тарихини, насл-насабини ўрганадиган ёрдамчи бўлими
1014.	انتشارات؛ این مجله از	enteshorot;	нашр;

	انتشارات وزرات فرهنگ است	in majale az enteshorote vuzarote farhang ast	бу журнал маданият вазирлиги нашри ҳисобланади
1015.	انتظام؛ سازمانهای انتظام؛ انتظام دادن	entezom; sozmonhoye entezom; entezom dodan	1) тартиб, саранжомлик, сариштalик, тартиб-интизом, усул; 2) интизом; ижро этувчи органлар; 3) тузум, тузилиш, тартибга солиш, йўлга қўйиш, яхшилаш; а) тартибга солиш, тизимлаштириш; б) интизомга бўйсуниш, интизомга, тартибга бўйсундирмоқ,

			тартиб-интизомга солмоқ;
1016.	انتظامی؛ مامورین انتظامی	entezomi; momurine entezomi	тартиб-интизомни назорат қилувчи (*полиция, жандарм ва ҳоказо*); тартибни бажарилишини назорат қилувчи шахс
1017.	انتفاع؛ انتفاع بردن (گرفتن)	entefo’; entefo’ bo’rdan (gereftan)	1) фойда чиқариш; 2) фойда, манфаат, баҳра, наф, даромад, кирим, тушум; 3) *баъзан* фойдаланиш; фойда, наф чиқариш, даромадга эга бўлиш, кирим
1018.	انتفاعی؛	entefo’I;	1) даромад берадиган, даромад

			келтирадиган, даромадли, сердаромад, фойдали, фойда (даромад) келтирадиган; фойдали, даромадли иш;
	اعمال انتفاعی؛	a’mole entefo’I;	2) фойда, даромад олувчи, моддий манфаат олувчи;
	غیر انتفاعی؛	g’eyre entefo’I;	фойда, моддий манфаат олмайдиган;
	موسسه غیر انتفاعی	muassasaye g’eyre entefo’i	нотижорат ташкилот (*соликдан озод қилинган*); 3) фойдали, манфаатли
1019.	انتقاد؛	enteqod;	1) танқид, танқид қилиш, танқид остига олиш, танқидий муҳокама;

	انتقاد از خود؛ انتقاد کردن	enteqod az xud; enteqod kardan	ўз-ўзини танқид қилиш; 2) рецензия, тақриз, фикр, мулоҳаза, баҳо; танқид қилмоқ, танқид қилиш (*кимнидир-ниманидир* ра ,аз)
1020.	انتقام؛ انتقام گرفتن (کشیدن، جستن)؛ انتقام کسی (چیزی) را گرفتن	enteqom; enteqom gereftan (kashidan, jo’stan) enteqome kasi (chizi) ro gereftan	қасос, ўч, интиқом, қасд, қилмишига яраша иш қилиш; ўч олмоқ (*кимдандир-нимадандир* аз); ким учундир, нима учундир қасос олиш
1021.	انتقام جو	enteqomju	1) ўч (қасос, интиқом) олувчи; 2) реваншист, реван тарафдори,

			реванш (қасос) олишга интилувчи, қасосчи
1022.	انتقام جویی	enteqomjuyi	ўч (қасос, интиқом) олиш, кек сақлаш
1023.	انتقام گیر	enteqomgir	انتقام جو [enteqomju]га қаранг
1024.	انتهاء؛ به انتها رساندن؛ به انتها رسیدن	enteho; ba enteho rasondan; ba enteho rasidan	1) охир, поён, тамом, ниҳоя, интиҳо, сўнг, хотима, уч, бош, чет, чекка; 2) қирғоқ, ёқа, қирра, лаб, этак, чегара, ҳад, меъёр, охирги нуқта, авж, чўққи; охирига етказмоқ, тугатмоқ; тугалланмоқ, битмоқ, тамом бўлмоқ, охирига етмоқ, тугамоқ
102	آنتیپاتی	ontipoti	антипатия,

5.			ёқтирмаслик, хуш кўрмаслик
1026.	آنتی سمیتیسم	ontisemitism	антисемитизм (ҳукмрон эксплуататор синфлар томонидан ўз синфий мақсадларини кўзлаб яҳудийларга нисбатан сунъий равишда туғдириладиган миллий душманлик сиёсати, ирқий шовинизмнинг энг ашаддий турларидан бири)
1027.	آنتیک شناس	ontikshenos	антиквар (1) антиқий нарсалар билан савдо қилувчи киши; 2) антиқий нарсалар коллекционери), антиқа буюмлар ишқибози ва

			йиғувчиси
1028.	آنتیک فروش	ontikfo’rush	антиквар, антиқий, антиквар буюмлар сотувчиси
1029.	انثی – اناث	o’nso-anos	1) хотин, хотин киши, аёл, 2) балоғатга (бўйига) етган қиз, катта қиз; 3) эрга теккан хотин киши, никоҳли хотин, жувон, эҳтиросли аёл
1030.	انجال	anjol	نجل [najl] нинг кўплиги
1031.	انجام؛ از آغاز تا انجام؛	anjom;	1) охир, поён, тамом, ниҳоя, интиҳо, хотима, пировард, тамомлаш, тугаллаш, битириш, битказиш; бошидан охиригача;

		az og’oz to anjom;	2) бажариш, амалга ошириш, ижро этиш, адо қилиш, тўлдириш, бажо келтириш, адо этиш, амалга ошириш; мажбуриятни бажариш;
	انجام وظیفه؛	anjom vazifa;	
	انجام دادن؛	anjom dodan;	
	انجام پذیرفتن (شدن، گرفتن،	anjom paziro’ftan (sho’dan, gereftan,	а) тугатмоқ, битирмоқ, тамом қилмоқ, охирига етказмоқ, тамомламоқ, тугалламоқ, битказмоқ, поёнига (ниҳоясига) етказмоқ; б) бажармоқ, амалга оширмоқ, ижро этмоқ, адо қилмоқ, тўлдирмоқ, бажо келтирмоқ, юзага (рўёбга)

	یافتن)؛	yoftan);	чиқармоқ, қилмоқ; а) тугалланмоқ, битмоқ, тамом бўлмоқ, охирига етмоқ, тамом бўлмоқ, тугамоқ, адо бўлмоқ, охирламоқ, тамомланмоқ, тугалланмоқ, битмоқ; б) бажарилмоқ, ижро (адо) этилмоқ, амалга ошмоқ, рўёбга чиқмоқ, амалга ошмоқ, юзага чиқмоқ, бажарилмоқ; в) бўлмоқ, бўлиб ўтмоқ, амалга ошмоқ, келиб чиқмоқ, юз бермоқ, содир бўлмоқ, воқе бўлмоқ;
	رژه انجام یافت؛ به انجام رساندن؛ به انجام	raje anjom yoft; ba anjom rasondan; ba anjom rasidan;	парад бўлди;

	رسیندن؛ انجام وظیفه کردن	anjom vazifa kardan	انجام دادن [anjom dodan] а) га қаранг; انجام پذیرفتن [anjom paziro’ftan] а) га қаранг; мажбуриятни бажариш
1032.	انجامش	anjomash	انجام [anjom] 1) га қаранг
1033.	انجمن؛ انجمن روابط فرهنگی ایران و شوروی؛ انجمن شهر؛	anjo’man; anjo’man ravobete farhangi iron va shuravi; anjo’mane shahr;	1) уюшма, иттифоқ, жамият, ассоциация, бирлашма, союз (бирлашган давлатлар); Эрон СССР билан маданий алоқалар жамияти; 2) мажлис, йиғилиш, сбор, йиғин, кенгаш; шаҳар кенгаши;

	انجمن کردن؛ انجمن شهرداری	anjo’man kardan; anjo’mane shahrdori	мажлис қилмоқ, кенгаш ўтказмоқ, йиғилишда (кенгашда, мажлисда) қатнашмоқ, мажлис ташкил қилмоқ; шаҳар ҳокимияти, муниципалитет (баъзи мамлакатларда: маҳаллий ўз-ўзини идора қилиш органи)
1034.	انجمن آرا	anjo’manoro	**I.**1) диққат марказда бўлган одам (*зиёфатда, тўйда ва ҳоказо*); 2) тамада, зиёфатбоши; **II.** жамиятни ободонлаштириш, мажлис
1035.	انحاء؛	anho;	نحو [nahv] 1 1) нинг кўплиги;

	بنحوی از انحاء؛ بهر نحوی از	ba nahuyi az anho; ba har nahuyi az	ҳар қандай тарзда; ҳар қандай кўринишда
1036.	انحصاراً	enhesoran	1) монополияга оид, танҳо эгаликка асосланган, монополияли, монопол, танҳо; 2) чекланган; 3) ёлғиз, фақат, нуқул, фавқулодда, жуда, ғоят, ниҳоятда, ҳаддан ташқари, атиги, ниҳояти, ...гина, холос
1037.	انحناء؛	enheno’;	эгрилик, қийшиқлик, қинғирлик, эгилганлик, букилганлик, қийшайганлик, қинғир-қийшиқлик, эгри-бугрилик,

	قابل انحناء؛ غير قابل انحناء	qobele enheno’; g’eyre qobele enheno’	бурилиш, қийшайиш, оғиш; эгилувчан, букилувчан, қайишқоқ, эластик, мослашувчан; эгилмайдиган, букилмайдиган, эгилмас, букилмас
1038.	اندام؛ عمل اندام	andom; amale andom	1) бадан, тан, тана, гавда, аъзойи-бадан, гавда бичими, қадди-қомат, бўй-баст, жусса, бичим; 2) аъзо, орган (*тана*); орган функцияси; 3) бўй (*одамники*)
1039.	اندرز؛	andarz;	маслаҳат, кенгаш, ўргатиш, йўл-

	اندرز دادن (کردن، گفتن)	andarz dodan (kardan, go’ftan)	йўриқ кўрсатиш, насиҳат, панд-насиҳат, ўгит; маслаҳат бермоқ (*кимгадир* را ,به); насиҳат қилмоқ (*кимгадир* را ,به)
1040.	اندرون؛	andarun	**I.**1) ички томон, ич, ичкари, ботин, ички томони; 2) интерьер (бино ва иншоотларнинг ички қиёфаси, бадиий безалган ва жиҳозланган кўриниши), бинонинг ички қисми тасвирланган расм; 3) эндерун, эрон хонадонидаги хонанинг ярмидаги аёллар; 4) кўнгил, дил, юрак, қалб, бағир, кўкс,

			сийна; **II.** در اندرون [dar andarun] *номсиз предлог* ичида, ичкарида, ўртасида, орасида, -да; اندرون چمدان [andarune chamadon] – чамадонда
1041.	اندرونی؛ زاویه اندرونی	andaruni; zovyaye andaruni	1) ички; ички бурчак; 2) اندرون [andarun] 1 2) га қаранг
1042.	اندکس	andeks	индекс (*рўйхат, кўрсаттич*)
1043.	اندکی	andaki	اندک [andak] 1 га қаранг
1044.	اندلسی	ando’lo’si	1) андалусия, андалусияга оид; 2) андалусиялик эркак, андалусиялик аёл
1045.	اندونزی	ando’nezi	**I.** Индонезияга ва индонезияликка

			оид, Индонезия…; индонезиялик(лар); **II.**1) Индонезия; 2) индонезиялик эркак, индонезиялик аёл; 3) (*тожикча* زبان اندونزی) [zabone endo’nezi] – индонез тили
1046.	اندوه؛ اندوه خوردن	anduh; anduh xo’rdan	қайғу, ғам, дард-алам, доғ, бахтсизлик, мусибат, кулфат, офат, ҳасрат, ғам-ғусса, андуҳ, ташвиш, хафалик, ғамгинлик, надомат; қайғурмоқ, ғам емоқ, куймоқ, ачинмоқ, ҳасрат чекмоқ, хафа бўлмоқ, хафа (ғамгин, маъюс)

			бўлмоқ, ҳасрат, ғам-андуҳ чекмоқ, маъюсланмоқ
1047.	انده	ando’h	اندوه [anduh] га қаранг
1048.	اندیس	andis	1) марка, белги, тамға, нишон, этикетка, ёрлиқ; 2) значок, ишора, аломат, кокарда (формали фуражкага қадаладиган нишон)
1049.	اندیشمند	andishmand	мутафаккир, чуқур фикр қилувчи, фикрловчи, файласуф
1050.	اندیشه؛	andishe;	1) фикр, хаёл, андиша, ўй, ўйлаш, фикр юритиш, мулоҳаза, мулоҳаза қилиш, ўйланиб қолиш, ўйга чўмиш, хаёл суриш;

	اندیشه کردن؛ در اندیشه بودن	andishe kardan; dar andishe budan	2) шубҳа, гумон, шак-шубҳа, иккиланиш, даргумон, қўрқиш, хавфсираш, хавотирланиш, чўчиш, ҳадиксираш, ҳадик, хавф, қўрқув, ваҳима, қўрқинч, даҳшат; اندیشیدن [andishidan] га қаранг; ўйлаб (ўйланиб) қолмоқ, ўйламоқ, фикр юритмоқ, мулоҳаза қилмоқ
1051.	انديويداليست	andividalist	индивидуалист , шахсиятпараст
1052.	انديويداليسم	andividalism	индивидуализм, шахсиятпарастлик (шахсий манфаатларини жамият

			манфаатларидан юқори қўйиш, “ўзим бўлай” деювчи дунёқараш)
1053.	انزال منی؛ انزال بی اختیار	enzole mani; enzole biextiyor	1) жинсий уруғни исроф қилиш; эҳтилом, булғаниш; 2) тушириш, пастга тушириш
1054.	انزعاج	enzeoj	*баъзан* нотинчлик, хавотирлик, жонсараклик, безовталик, ташвиш, таҳлика, ташвиш, ваҳима, ғалаён, қўзғолон, туғён, исён, алғов-далғов
1055.	انس؛ انس و جن	ens; ens va jen	инсон зоти, кишилар, одамлар, инсонлар; одамлар ва руҳлар, поклар ва нопоклар
105	انس؛	o’ns;	1) одат,

6.	انس گرفتن (داشتن)	o’ns gereftan (doshtan)	ўрганиш, тажриба, малака, одатланиш, яхши кўрилган (севилган кимса ё нарса); 2) яқин, дўстона муносабатлар; а) одатланмоқ, ўрганмоқ, одатланиб (ўрганиб) қолмоқ, боғланмоқ, кўнгил (меҳр) қўймоқ, ўрганиб қолмоқ (*кимгадир-нимагадир* با ,به); б) дўст бўлмоқ, ўртоқ бўлмоқ, дўстлаштирмоқ, яқинлаштирмоқ
1057.	انساب؛ شجره انساب	ansob; shajareye ansob	نسب [ansob] нинг кўплиги; шажара дарахти

1058.	انسال	ansol	نسل [nasl] нинг кўплиги
1059.	انسان	enson	1) инсон, одам, киши; 2) *сўзлашувда* инсоний, одамий, одамларча, одамгарчилик юзасидан, мурувватли, раҳмдил, кўнгилчан, куйинчак, дилдор, юмшоқ, мушфиқ
1060.	انسان دوستی	ensondusti	гуманизм, инсонпарварлик
1061.	انسانیت؛	ensoniyat;	1) кишилик, инсонлик, инсонийлик, одамийлик, инсонгарчилик, одамгарчилик, мурувват, инсонпарварлик, одамсеварлик, одампарварлик; 2) адаблилик, боадаблик, назокатлилик,

	انسانیت کردن	ensoniyat kardan	ҳурмат билан мурожаат қилиш, ҳушмуомалалик, мулойимлик, сермулозаматлик, сертакаллуфлик, адаб, назокат; а) инсонийликни кўрсатиш, инсонийликни намоён қилиш; б) мулойимлик, ҳушмуомалалик, лутф кўрсатиш
1062.	انستیتو	anstitu	институт
1063.	آنسیکلوپدی	onsiklo’pedi	энциклопедия, қомус
1064.	انشعابگر	ensheobgar	раскольник (раскол иштирокчиси)
1065.	انصاف؛	ensof;	адолатлилик, ҳаққонийлик, одиллик, тўғрилик, ҳаққоният, адолат,

	از روی انصاف؛ خانه انصاف؛ انصاف دادن؛ انصاف داشتن؛ انصاف کردن	az ruye ensof; xonaye ensof; ensof dodan; ensof doshtan; ensof kardan	холислик, бетарафлик, , беғаразлик; انصافاً [ensofan] га қаранг; ижтимоий суд (*қадимда*); адолатли, холис бўлиш, адолат қилмоқ; адолатли бўлиш; адолатли ёндашмоқ, адолат қилмоқ, виждонан ёндашмоқ (*ким биландир* با ,به)
1066.	انصافاً	ensofan	инсоф билан, адолатли, бетарафлик билан, беғараз, холис одилона ҳаққоний равишда
1067.	انضباط؛	enzebot;	1) интизом, тартиб, тартиб-

	انضباط کار؛ انضباط دادن	enzebote kor; enzebot dodan	интизом, қоида, низом, тартибни сақлаш; меҳнат интизоми; 2) тартиблилик; 3) *баъзан* ўзини дадил тутиш, ўзини тута билиш, ўзини йўқотмаслик, эсанкирамаслик, дадиллик; а) интизомга, тартибга бўйсундирмоқ, тартиб-интизомга солмоқ (*кимнидир* را ,به); б) тартибга солмоқ, йўлга қўймоқ, яхшиламоқ (*ниманидир* ,به را)
1068.	انضباطی؛	enzeboti;	интизом билан боғланган, интизом

	انضباطی مجازات	enzebotiye majozot	ўрнатиш ва уни мустаҳкамлашга қаратилган, шу мақсад учун хизмат қиладиган, интизом, интизомий; интизомий жазо (маъмурият йўли билан бериладиган жазо)
1069.	انطاع	anto’	نطع [nat’] нинг кўплиги
1070.	انطباعی؛ صنایع انطباعی	enteboi; sanoyeye enteboi	полиграфияга оид, полиграф, полиграфия саноати
1071.	انطباق؛	enteboq;	1) мослик, мувофиқлик, муносиблик, лойиқлик, тўғри (мос) келиш, бир-бирига тўғрилик, мувофиқлик, уйғунлик, бирдамлик,

	انطباق دادن	enteboq dodan	ҳамжиҳатлик, келишилганлик, бир-бирига тўғри келиш, бир хил бўлиш, бир хиллик; 2) солиштириш, чоғиштириш, таққослаб (қиёслаб) кўриш, таққос (қиёс, муқояса) қилиш, таққослаш, қиёслаш; а) уйғунлаштириш, мослаштирмоқ, мувофиқлаштирмоқ, бир хилликка келтирмоқ, уйғунлаштирмоқ; б) солиштирмоқ, таққосламоқ, чоғиштирмоқ, таққослаб (солиштириб) кўрмоқ, таққос

			қилмоқ, тенглаштирмоқ
1072.	انعام	an’om	мол, ҳайвон, чорва
1073.	انعام؛ انعام دادن (کردن)؛ انعام گرفتن	en’om; en’om dodan (kardan); en’om gereftan	1) чойчақа, чой пули; 2) совға улашмоқ; 3) тегишлича (яраша) тақдирламоқ, мукофот, ҳақ, ажр; а) маслаҳат бермоқ, чой пули бермоқ; б) совға қилмоқ, мукофотламоқ; а) чойчақа олмоқ; б) ҳақ олиш, мукофот олиш
1074.	انعکاس؛	en’ekos;	1) қайтариш, даф қилиш, акс эттириш, тасвирлаш, қайта (такрор) ишлаб чиқариш,

	انعکاس صوت؛ انعکاس نور؛ انعکاس یافتن؛ انعکاس پیدا کردن؛	en’ekose sut; en’ekose nur; en’ekos yoftan; en’ekos peydo kardan;	худди ўзидай тасвирлаш, акс эттириш; акс-садо, узоқдан эшитилган (етиб келган) овоз; ёруғликни акс эттирувчи ёруғлик; 2) реакция, акс-садо; 3) рефлекс (*тирик организмнинг ташқи таъсирга жавобан беихтиёр кўрсатадиган реакцияси*); а) акс этмоқ, қайтмоқ, кўри инмоқ, намоён бўлмоқ, худди ўзидай қайтармоқ, акс эттирмоқ, тасвирламоқ,

	این واقع در دنیا انعکاس پیدا کرد؛ انعکاس سوئی بخشیدن	in voqe dar dunyo en’ekos peydo kard; en’ekos suyi baxshidan	қандай бўлса шундай тикламоқ, ўз аксини топмоқ; б) реакцияга сабаб бўлмоқ, акс-садо бермоқ; бу воқеа бутун дунёга акс-садо берди; салбий реакцияга эга бўлмоқ, салбий жавоб
1075.	انفاس	anfos	نفس [nafas] нинг кўплиги
1076.	انفجار؛ قابل انفجار؛	enfejor; qobele enfejor;	1) портлаш, детонация, жуда тез портлаш, ёниш; портлайдиган, портлатадиган, портлаш, портлатиш, портловчи; 2) вулқон отила бошлади,

	انفجار پیدا کردن	enfejor peydo kardan	вулқондан лава отилиб чиқа бошлади; 3) кўп жойидан ёрилиб кетиш, ёриқлар билан қопланиш, чатнаб кетиш; а) чопиб ташламоқ; б) отилиб чиқмоқ, тошиб чиқмоқ, қайнаб чиқмоқ; в) кўп жойидан ёрилиб кетмоқ, ёриқлар билан қопланмоқ, чатнаб кетмоқ
1077.	انفراد	enferod	**I.**1) ёлғизликдаги ҳаёт, ёлғизлик, кимсасизлик, ғариблик, якка туриш; 2) алоҳидалик, яккалик, ажралганлик;

			II. به انفراد [ba enferod] بانفراد [boenferod]га қаранг
1078.	انفراداً	enferodan	1) якка тартибда, якка-якка, алоҳида; 2) якка, ёлғиз, ёлғизликда; 3) айрим ҳолда, ажратиб, алоҳида, бошқа-бошқа, ўзаро боғламасдан
1079.	انفرادی؛ اقتصادیات انفرادی؛	enferodi; eqtesodiyote enferodi;	1) индивидуал, якка бир шахсга тааллуқли, униг ўзи амалга оширган; якка тартибдаги тадбиркорлик; 2) алоҳида яшовчи, якка, ёлғиз, танҳо, алоҳида, бир кишилик, бир ўринли, айрим,

	جنس انفرادی؛ زندگی انفرادی	jense enferodi; zendegiye enferodi	бўлак, мустақил; якка-якка қамаш; 3) ёлғиз, якка, танҳо, алоҳида ажралиб турадиган, яккаланган; ёлғиз ҳаёт
1080.	انفس	anfo’s	نفس [nafs] 1), 2) нинг кўплиги
1081.	انفیه دان	anfihdon	тамакидон, тамаки қути, носқовоқ
1082.	انقضاء؛ انقضاء موعد؛ انقضاء مدت پرداخت؛	enqezo’; enqezo’ye mo’o’ed; enqezo’ye mo’ddat pardoxt;	охир, поён, тамом, ниҳоя, интиҳо, сўнг, тамом бўлиш, тугаш, битиш, ўтиши билан, тугаши билан, ўтгандан сўнг; амал қилиш муддати; тўловни кечиктириш;

	انقضاء يافتن	enqezo yoftan	тамом бўлмоқ, тугамоқ, битмоқ, охирига етмоқ, муддати ўтмоқ
1083.	انقلاب؛ انقلاب صنعتی؛ انقلاب کبیر سوسیالیستی اکتبر؛ انقلاب هوا؛ انقلاب دریا؛ انقلاب کردن؛	enqelob; enqelobe san’ati; enqelobe kabire susyolistite o’kto’br; enqelobe havo; enqelobe	1) революция, инқилоб, кескин бурилиш, ўзгариш, ижтимоий-сиёсий тузумдаги кескин ўзгариш, тўнтариш, тўнтарилиш, айланиш, ўгирилиш; саноат инқилоби; Буюк Октябрь социалистик инқилоби; 2) ўзгариш; об-ҳаво ўзгариши; 3) туғён, исён, қўзғатиш,

		daryo; enqelob kardan;	уйғотиш; денгиз тўлқинлари; а) инқилоб, тўнтариш қилмоқ; б) оёқлантирмоқ, душман қилиб қўймоқ; в) ҳаяжонланиш;
1084.	انکار؛ جای (محل) انکار نیست که ...؛ غیر قابل انکار؛	enkor; joy (mahal) enkor nist ke...; g’ayre qobele enkor;	1) инкор қилиш, тониш, тан олмаслик, бўйнига олмаслик; буни инкор этиб бўлмайди...; انکارناپذیر [enkornopazir] га қаранг; 2) тониш, инкор қилиш, иқрор бўлмаслик, бўйнига олмай

	انکار نفس؛ انکار کردن	enkore nafs; enkor kardan	(тониб) туриб олиш, тан олмаслик; 3) инкор қилмоқ, тонмоқ, қайтмоқ, қайтариш, рад қилиш (*бирор нарсани-изофа*); ихтиёрий равишда ўз манфаатидан (ҳамма нарсадан) воз кечиш; а) инкор қилмоқ, йўқ демоқ, йўққа чиқармоқ, тонмоқ; б) ичидан занжирлаб бекитиб олмоқ, тан олмаслик; в) инкор қилмоқ, тонмоқ, қайтмоқ, рад қилмоқ, рад этмоқ (*бирор*

			нарсани را)
1085.	انکوباتور	ankubotur	инкубатор (тухумдан сунъий йўл билан жўжа очириладиган аппарат)
1086.	انگ	ang	**I.** марка, белги, тамға, ҳарф, рақам;
1087.	انگشتانه	ango’shtone	1) ангишвона, ангишона;
1088.	انگشتر؛ انگشتری	ango’shtar; ango’shtari	узук, ҳалқа
1089.	انگشتوانه	ango’shtvone	انگشتانه [ango’shtone] га қаранг
1090.	انگلوساکسن	anglo’sakso’n	**I.** англо-саксон; **II.** 1) англосакс; 2) (*тожикча* زبان انگلوساکسن) – англосаксон, қадимги инглиз тили
1091.	آنگلوفیل	onglufil	англофил (Англияга ва инглизларга хос барча нарсаларни ёқловчи одам)

1092.	انگلیس	engelis	**I.**1) Англия; 2) инглиз, инглиз аёл, англичанка; **II.** Англияга ва инглизларга оид, Англия, инглиз
1093.	انگلیس ها	engelisho	инглизлар
1094.	انگلیسی؛	engelisi;	**I.** Англияга ва инглизларга оид, Англия, инглиз; **II.**1) инглиз, инглиз аёл, англичанка; 2) (*тожикча* زبان انگلیسی) [zabone engelisi] – инглиз тили
1095.	انگورستان	angureston	токзор, узумзор
1096.	انگوری؛ باغ انگوری	anguri; bog’e anguri	**I.**1) узумга (токка) оид, узумдан қилинган, узум; токзор, узумзор; 2) узумдан тайёрланган; **II.** *сўзлашувда*

			узум сотувчиси
1097.	آنگونه	ongune	1) шундай, шундай қилиб, шундай усулда; 2) шундай, шундай турдаги
1098.	انگیزش	angizesh	1) ғаламислик, иғвогарлик, иғво, фитна, васвасага солиш, провокация қилиш, иғво қилиш; 2) ҳаяжон, қўзғалиш
1099.	انموذج	anmuzaj	نمونه [namune] ва نمودار [namudor] га қаранг
1100.	انوار	anvor	**I.** نار [nor] II нинг кўплиги; **II.** 1)نور [nur] нинг кўплиги; 2) Анвар (*эркак киши исми*)
1101.	انواع	anvo’	نوع [nav’] нинг кўплиги
1102.	انور	anvar	1) نیر [nayyer] 1 нинг орттирма даражаси;

			2) Анвар (*эркак киши исми*)
1103.	آنهم	onham	айниқса
1104.	آنهمه؛ چگونه آنهمه پولرا یک روزه خرج کردی؟	onhame; chegune on hame pul ro yak ruza xarj kardi?	1) шу қадар, шунчалар; бир кунда шунча пулни қандай сарфладинг? 2) буларнинг ҳаммаси
1105.	آنیت	oniyyat	1) шошилинчлик, кечиктирилмайдиган, тез қилинадиган; 2) актуаллик, муҳимлик; 3) *китобий* ёқимлилик, жозибалилик, жозибадорлик, дилбарлик, кўркамлик, истараси иссиқлик, дилбарлик, дилраболик, жозиба, сеҳр,

			фусункорлик, афсункорлик, тароват, фатонат, гўзаллик, малоҳат, латофат
1106.	آوا	ovo	1) آواز [ovoz] га қаранг; 2) Ово (*эркак киши исми*)
1107.	اواخر؛ در این اواخر	avoxer; dar in avoxer	**I.** 1) آخر [oxer] 1 нинг кўплиги; 2) охирги сана (*ой, йил ва ҳоказо*); **II.** охирги (кейинги) пайтларда, сўнгги вақтларда
1108.	آوار؛	ovor;	**I.**1) синиб тушган нарсалар, синган бўлаклар, синиқ, парча, хароба, вайрона, вайроназор, харобалик,

	زیر آوار ماندن	zire ovor mondan	вайроналик; 2) оғир юк, оғирлик, қийинчилик, оғир нарса; 3) آواره [ovore]га қаранг; **II.** бузилган, вайрон қилинган, қулатилган; вайроналар остида бўлмоқ
1109.	آوارگی	ovoregi	1) дарбадарлик, дайдилик, саёқлик, сарсонлик, саргардонлик, қўнимсизлик, доим кўчиб юриш, дарбадар кезиш, овораи жаҳон бўлиб юриш, саргардонлик, оламни (элма-эл, юртма-юрт) кезиш, саёҳат, сафар, уй-жойсизлик,

			бошпанасизлик, беватанлик; 2) бахтсизлик, кўнгилсизлик, мусибат, фалокат, офат, бало, фожиа
1110.	آواره؛	ovore;	**I.**1) дайди, дарбадар, мискин, бетайин, дарбадар одам, овораи жаҳон (саргардон) одам, саргардон, дарбадар (юртма-юрт) кезувчи, мусофирчиликда (ғурбатда) яшовчи, мусофир, дарвеш, дайдиб юрувчи, ҳайдалган (бадарға қилинган) одам; 2) Оворе (*эркак киши исми*); **II.**1) саёқ,

	آواره ساختن (کردن)؛	ovore soxtan (kardan);	дайди, беқарор, кўчманчи, дарбадарликка ва дарбадар (дайди)га оид, дарбадарлик, дарбадар, дайди, дарбадарлар; 2) бахтсиз, бадбахт, шўри қуриган, иши (омади) юришмаган, бахтсизлик келтирган, машъум, манҳус, бебахт, бадбахт, бахти қора, толеи паст, шўрпешана, шўрли;
	آواره شدن	ovore sho’dan	а) ҳайдамоқ, қувмоқ, қувиб (суриб) чиқармоқ, сургун қилмоқ, дарбадар кезишга, сарсон-саргардонликда

			ҳаёт кечиришликка мажбур қилмоқ; б) йўлдан оздирмоқ; дайдимоқ, санқимоқ, тентирамоқ, сарсон-саргардон юрмоқ, дарбадар кезмоқ, овораи жаҳон бўлиб юрмоқ, саргардон бўлмоқ
111 1.	آواز؛ آواز بم؛ آواز دسته جمعی؛	ovoz; ovoze bam; ovoze dastajam’I;	1) товуш, овоз, садо, сас; бас; 2) ашула (қўшиқ) айтмоқ, куйламоқ; хор, жўр, хор куйлаш; 3) ашула, қўшиқ, ўлан; 4) тарона, мотив, оҳанг,

			куй; 5) товуш, овоз, садо, сас, ун, шовқин, шовқин-сурон, ғовур-ғувур, шов-шув, тўполон, гувиллаш, ғувиллаш; 6) чақириқ овози, чақириқ, чақириш, бақириқ, қичқириқ, қийқириқ, ҳайқириқ, дод, дод-фарёд; 7) *баъзан* (1 آوازه 2) га қаранг;
	آواز برآوردن (برکشیدن)؛ آواز خواندن؛ آواز دادن؛	ovoz barovardan (barkashidan); ovoz xondan; ovoz dodan;	овозини кўтармоқ; куйламоқ, ашула айтмоқ; а) чақирмоқ, бақирмоқ, қичқирмоқ,

	آواز کردن؛ آوازش گرفته؛ آواز بدل دزدیدن	ovoz kardan; ovozesh gerefta; ovoz ba del do’zdidan	ҳайқирмоқ, додламоқ, дод солмоқ; б) овоз бериш, овоз бермоқ, жавоб бермоқ, жавоб қайтармоқ; آواز دادن [ovoz dodan] а) га қаранг; *сўзлашувда* у куйлашни яхши кўрарди; *баъзан* қўрқувдан жим турмоқ, оғзига сув қуйиб ўтирмоқ
1112.	آوازه؛	ovoze;	1) овоза, миш-миш гаплар, дув-дув гап, доврук; 2) шуҳрат, донг, шараф, машҳурлик, маълумлик, таниқлилик,

	آوازه افکندن؛	ovoze afkandan;	танишлик; 3) *баъзан* ашула, қўшиқ; а) овоза қилмоқ, тарқатмоқ, миш-миш тарқатмоқ; б) гап-сўз қилмоқ, ёмонотлиқ қилмоқ, гап тарқатмоқ, овоза қилмоқ, жуда ҳам мақтаб юбормоқ, кўкларга кўтармоқ (*кимнидир-ниманидир* дарбора);
	آوازه داشتن؛	ovoze doshtan;	
	آوازه شدن؛	ovoze sho’dan;	шон-шарафдан фойдаланмоқ; а) суҳбат мавзусига айланмоқ; б) донг чиқармоқ, донг таратмоқ, ном чиқармоқ,
	آوازه (در) افتاد	ovoze dar o’ftod	

			шуҳрат қозонмоқ, машҳур бўлмоқ; миш-миш тарқалди, маълум бўлди
1113.	اواسط؛ در اواسط تابستان	avoset; dar avosete tobeston	وسط [vasat] 1 нинг кўплиги; ёзнинг ўрталарида
1114.	اوامر	avomer	امر [amr] II нинг кўплиги
1115.	اوان؛ از اوان طفلیت	avon; az avone tefliyat	آن [on] II нинг кўплиги; болаликдан, эрта болаликдан
1116.	آوانتوریسم	ovonturism	авантюризм, авантюрачилик (авантюрага асосланган осонгина муваффақиятга эришишни кўзлаб, тавакkалига қилинган иш, хатти-ҳаракат, авантюрага мойиллик)

1117.	آوای	ovoy	آواز [ovoz] га қаранг
1118.	اوائل؛ اوایل؛ در اوایل؛ در اوایل سال جاری	avoel, avoyel; dar avoyel; dar avoyele sole jori	1) 2 اول [avval] 2 нинг кўплиги; 2) биринчи, бошланғич сана (*ой, йил ва шу каби*); шу йилнинг бошида; жорий йилнинг бошида
1119.	اوباش	avbosh	**I.**1) дайди, дарбадар, мискин, қўнимсиз одам, жаҳонгашта, бетайин; 2) хулиган, ҳеч нарсадан қўрқмайдиган, қўрқмас, довюрак, каллакесар, безори, бандит, газанда; 3) тарбиясиз (тарбия кўрмаган,

			қўпол) одам, беадаб, нодон, жоҳил, қўрс (қўпол муомала) одам, қўрс, тўрс, қўпол, дағал, тўнг; **II.**1) хунук, дағал, қўпол, тўнг, тўрс, қўпол муомала, назокатсиз, беҳурматликни билдирадиган; 2) *сўзлашувда* муттаҳамроқ, қаллоброқ, алдам-қалдам ишларга мойил, муттаҳамнамо, қаллобга ўхшаш
1120.	اوباشی؛	o’vboshi;	1) безорилик, одобдан ташқари, беададб, уят, ахлоқсиз, ярамас, номуносиб, ношоён, ёмон, ярамас юриш-туриш;

	اوباشی کردن	o’vboshi kardan	2) ҳурмат қилишни билмаслик, иззат-ҳурмат қилмаслик, қўпол муомала; а) хулиганлик (безорилик) қилмоқ, тартибсизлик қилмоқ, ахлоқсизлик (номаъқулчилик, бемаънигарчилик) қилмоқ, ножўя иш (хатти-ҳаракат, қилиқ) қилмоқ; б) ўзини одобсиз тутмоқ, ҳурматсизлик қилмоқ
1121.	اوج؛	o’vj;	1) тепа, уч, чўққи, энг юксак даража, авж, юқори нуқта, баландлик, гуллаб-яшнаш,

	در اوج شهرت؛ اوج کمال؛ اوج گرفتن؛ به اوج	dar o’vje sho’hrat; o’vje kamol; o’vj gereftan; ba o’vj	равнақ топиш, юксалиш, ривожланиш, тараққий этиш, камол топиш, етуклик, камолот, қирчиллаганлик; шон-шуҳрат чўққисида; камолот чўққиси мукаммаллик чегараси; а) баландликка кўтарилмоқ, баландга (юқорига) кўтарилмоқ, осмонга чиқмоқ; б) кучаймоқ, кучайиб кетмоқ, зўраймоқ, ошиб кетмоқ, авжга чиқмоқ, ўсмоқ, кўпаймоқ, қизимоқ, қизиб

	رسیدن	rasidan	кетмоқ, энг юксак даражага кўтарилмоқ, чўққисига чиқмоқ, авжга минмоқ; اوج گرفتن [o’vj gereftan] б) га қаранг
1122.	اوجاع	o’vjo	وجع [vaja’] нинг кўплиги
1123.	اودکلن	o’deko’lo’n	одеколон, атир
1124.	اودیه	o’vdiye	وادی [vodi] нинг кўплиги
1125.	اوراق؛ اوراق بهادار؛	o’vroq; o’vroqe bahodor;	**I.**1) ورق [varaq] нинг кўплиги; 2) иш, қоғозлар, ҳужжатлар; қимматли қоғозлар; **II.** *сўзлашувда* кияверib эскирган, эскирган, тўзган, эскириб ишдан чиққан, ёйилган, ёйилиб кетган, кўп ишлатилиб

	این کتاب اوراق است؛ اوراق شدن؛ اوراق کردن	in ketob o’vroq ast; o’vroq sho’dan; o’vroq kardan	эскирган, титилиб кетган, яроқсиз ҳолга келган; бу китоб йиртилган; *сўзлашувда* эскирмоқ, йиртилмоқ, титилмоқ, тўзмоқ, ёйилмоқ, ёйилиб кетмоқ; *сўзлашувда* а) эскитмоқ, тўзитмоқ, йиртмоқ, дабдаласини (титиғини, питиғини, увадасини) чиқармоқ, шалоқ қилиб юбормоқ, кияверив эскиртирмоқ; б) қисмларга ажратмоқ

			(*масалан станок, дастгоҳ*), демонтаж қилмоқ, қисмларга ажратмоқ
1126.	آورد؛	ovard;	**1)** *оғзакида* жанг, уруш, урушиш, жанг қилиш, олишув, тортишув; **2)** *мураккаб сўзнинг 2-компоненти қуйидаги маънода:* олиб келувчи, келтирувчи; بادآور [bodovar] – шамол томонидан урилган, шамол олиб келинган; ره آورد [rahovard] – совға, туҳфа, тортиқ, ҳадя, армуғон, инъом;
	آورد کردن؛	ovard kardan;	
	به آورد	ba ovard	*оғзакида* урушмоқ, жанг

	طلبیدن	talabidan	қилмоқ, жанг олиб бормоқ, курашмоқ; *оғзакида* қарши қўймоқ, қарши чиқмоқ, қарши ҳаракат қилмоқ
1127.	آورک، اورک	ovrak; o’vrak	арғимчоқ, ҳайинчак
1128.	اورمزد	urmo’zd	ارمزد [o’rmo’zd] га қаранг
1129.	اوریایی؛ زبان اوریایی	o’ryoyi; zabone o’ryoyi	**I.** орий; **II.**1) орий (*эркак, аёл*); 2) орий тили
1130.	اوزار	o’vzor	**I.** ابزار [abzor] I, II га қаранг
1131.	اوزان	o’vzon	وزن [vazn] 1 нинг кўплиги
1132.	اوزبک	uzbak	ازبک [o’zbak] га қаранг
1133.	اوستام	ustom	استام [o’stom] га қаранг
1134.	اوشین	o’vshin	ёғоч хаскаш
1135.	اوصاف	o’vsof	وصف [vasf] нинг кўплиги
1136.	اوصیا	o’vsiyo	وصی [vasi] нинг кўплиги

1137.	اوضاع؛ اوضاع جهان؛ اوضاع سیاسی	o’vzo’; o’vzoye jahon; o’vzoye siyosiy	1) وضع [vaz’] нинг кўплиги; 2) вазият, аҳвол, ҳолат, шароит; халқаро вазият, халқаро позиция; сиёсий вазият
1138.	اوطان	o’vton	*баъзан* وطن [vatan] нинг кўплиги
1139.	اوغر، اوغور	o’g’o’r, ug’ur	اغور [ag’ur] га қаранг
1140.	اوقات؛ در بسیاری از اوقات؛ اوقاتم تلخ است؛	o’vqot; dar bisyori az o’vqot; o’vqotam talx ast;	1) وقت [vaqt] 1 нинг кўплиги; 2) воқеа, ҳодиса, вазият, аҳвол, ҳол; кўп ҳолларда, кўпинча; 3) *сўзлашувда* руҳий ҳолат, кайфият; а) кайфиятим йўқ;

	اوقات کسی را تلخ کردن	o’vqote kasi ro talx kardan	б) жаҳлим чиққан; бировнинг кайфиятини бузмоқ, кимнидир ғазаблантирмоқ
1141.	اوکرانی	ukroni	اوکراییني [ukroyini] га қаранг
1142.	اوکراییني	ukroyini	**I.** Украина ва украинларга оид, украинча, украин; **II.**1) украиналик, украин (киши), украинка, украиналик ёки украин аёл; 2) (*тожикча* زبان اوکراییني) [zabone ukraini] – украин тили
1143.	اول؛ روز اول؛	avval; ruze avval;	**I.**1) биринчи; биринчи кун; 2) бошланғич,

	عدد اول؛ از اوایل سال؛	adade avval; az avoyele sol;	дастлабки, энг бошдаги, энг аввалги; оддий сон; 3) биринчи, энг муҳим; **II.** اوائل [avoel] ва اوایل [avoyel] бош, боши, учи; йил бошидан бошлаб; **III.** аввало, аввал, олдин, бошида, аввал бошда, илгари, дастлаб, аввалига, бошда, бошида, даставвал, бурун, илгариги вақтларда;
1144.	اولاً	avvalan	1) биринчидан; 2) аввало, аввал, олдин, бошида, аввал бошда, илгари, дастлаб, даставвал,

			бошда, дастлабки, энг бошдаги, бошланғич, ибтидоий, энг аввал
1145.	اولا	o’vlo	اولی [o’la] га қаранг
1146.	اولاد	o’vlod	1) ولد [valad] нинг кўплиги; 2) авлодлар, насл, авлод, уруғ; 3) *сўзлашувда* гўдак, бола, фарзанд, ёш бола
1147.	اولتیماتوم	ultimato’m, ultimatum	ультиматум, қатъий (кескин) талаб
1148.	اولویت؛ اولویت داشتن	o’vlaviyyat; o’vlaviyyat doshtan	устунлик, афзаллик, ортиқлик, кўплик, биринчилик, биринчи ўринда бўлиш; устунликка, афзалликкка эга бўлмоқ

			(*кимнингдир-ниманингдир устидан* بر)
1149.	اولیاء؛ اولیاء امور؛ اولیاء دولت	o’vliyo; o’vliyoye amur; o’vliyoye do’vlat	ولی [vali] нинг кўплиги; ҳукмдор, ҳоким, раҳбар, йўлбошчи, етакчи, бошлиқ, ишбоши; давлат арбоблари
1150.	اولیت	o’vliyyat	اولویت [o’vlaviyyat]га қаранг
1151.	اومانیست	umonist	гуманист, гуманизм тарафдори, инсонпарвар одам, инсонпарвар
1152.	اومانیسم	umonism	гуманизм (уйғониш даврида шахснинг католицизм ва феодал қуллигига қарши қаратилган прогрессив

			ҳаракат)
1153.	آون	ovan	آونگ [ovang]га қара
1154.	آوند	ovand	**II.** *оғзакида* далил, асос, исбот, баҳона, важ
1155.	آونگ؛ آونگ فوکو؛ آونگ کردن	ovang; ovang fuku; ovang kardan	**I.**1) узумни осиб қўйиш учун арқон (*узумни қуритганда*); 2) тебрангич, капгир; Фуко тебрангичи; **II.** осилган, осма, осилиб турадиган, осиб қўйиладиган, муаллақ; осмоқ, осиб қўймоқ
1156.	آونگان	ovangon	آونگ [ovang] 2 га қаранг
1157.	اونیورسیته	universite	университет (турли хил ижтимоий ва табиий фанлар

			бўйича алоҳида факультетлари бўлган олий ўқув юрти, илмий муассаса)
1158.	اوهام	avhom	وهم [vahm] нинг кўплиги
1159.	اویغور	uyg’ur	уйғур (*эркак, аёл*)
1160.	اویماق	uymoq va o’ymoq	1) *оғзаки* қабила, халқ, авлод, насл, уруғ, аймоқ, зот, зурриёт, сулола; 2) аймоқ (*Монгол Халқ Республикасида маъмурий бирлик*)
1161.	اهالی	aholi	1) اهل [ahl] 1 1) нинг кўплиги; 2) аҳоли, халқ, нуфус
1162.	اهتار	ahtor	هتر [hatar] нинг кўплиги
1163.	اهداف	ahdof	هدف [hadaf] нинг кўплиги
1164.	آهستگی؛	ohestegi;	**I.**1) секинлик, сусткашлик, сустлик, ланжлик,

			имиллаганлик, имирсираганлик, шошилмаслик, шошмаслик; 2) юмшоқлик, бўшлик, майинлик, ювошлик, беозорлик, мўминлик, ройишлик; **II.** به آهستگی [ba ohestegi] باآهستگی [baohestagi] га қаранг
1165.	آهسته؛ آهسته کردن	ohesta;	**I.**1) секин, аста, зўрға эшитиладиган, тинч, сокин, жимжит; **II.**1) секин, паст овоз билан; 2) секинлик билан, шошилмай, имиллаб, шошилмайдиган; 3) бир оз, андак, секингина, енгилгина, сал,

		ohesta kardan	сал-пал, хиёл, унчалик эмас; а) секинлаштирмоқ, секинлатмоқ, сусайтирмоқ, пасайтирмоқ; б) юмшатмоқ, пасайтирмоқ (*овоз, товуш*)
1166.	آهک پز	ohakpaz	оҳак ёқувчи (*кимдир ҳақида*)
1167.	آهک پزی؛ کوره آهک پزی	ohakpazi; kuraye ohakpazi	оҳак ёқиш; оҳак печи
1168.	آهکی	ohaki	оҳакка оид, оҳакдан қилинган, оҳакли, оҳак
1169.	اهل - اهالی؛ اهل تهران؛	ahl-aholi; ahle Tehron;	**I.**1) истиқомат қилувчи, яшовчи, турувчи, бирор жойда яшовчи одам; Теҳронда истиқомат қилувчи, яшовчи,

	اهل خانواده؛ اهل خانه؛	ahle xonavode; ahle xone;	турувчи; 2) истиқомат қилувчилар, яшовчилар, турувчилар, бирор жойда яшовчи одамлар, одамлар; оила аъзоси; оила аъзолари (шу жумладан кимсаникида оила аъзолари қатори яшовчи кишилар): уйдагилар, уйдаги, уй, хонаки; 3) *китобий барқарор турғун сўз бирикмаларининг 1-компоненти* ҳар қандай соҳада билимдон киши,

			масалан: اهل قلم [ahle qalam] – а) ёзувчи, адиб; б) мирза, котиб, нусха кўчирувчи, кўчириб ёзувчи; اهل هنر؛ [ahle hunar] –санъат билан шуғулланадиган одам, рассом; **II.**1) арзирли, арзийдиган, лойиқ, муносиб, сазовор, арзигудай, арзигудек; فرزند اهل؛ [farzande ahl] – муносиб ўғил; 2) яхши, яхшигина, тузук, дуруст (*кимдир ҳақида*); او اهل دود است [u ahle dud ast] – у

			чекувчи
1170.	اهل البیت	ahlo’lbeyt	оила аъзолари (шу жумладан кимсаникида оила аъзолари қатори яшовчи кишилар): уйдагилар
1171.	اهلیت	ahliyyat	1) қадр-қиммат, эътибор, обрў, ижобий сифат; 2) ишга лаёқатлилик, яроқлилик
1172.	اهمال؛ اهمال کردن	ehmol; ehmol kardan	1) беҳафсалалик, бепарволик, беғамлик, ишёқмаслик, совуққонлик, эътиборсизлик, пала-партишлик; 2) (пала-партишлик натижасида қилинган) иш, адашиш, камчилик, хато, хато иш, хатолик;

			а) бепарво муносабатда бўлмоқ (*нимагадир*), бепарволик, беғамлик қилмоқ; б) (пала-партишлик натижасида қилинган) янглиш иш, адашиш, камчилик, хато, хатога йўл қўймоқ, хато иш қилиб қўймоқ
1173.	اهمیت؛	ahammiyyat;	муҳимлик, аҳамиятлилик, зарурлик, аҳамият, маъно, маъни, мазмун;
	اهمیت دادن (گذاشتن)؛	ahammiyyat dodan (go’zoshtan);	аҳамият бермоқ (*нимагадир* به), муҳим санамоқ (*нимагадир* به);
	اهمیت داشتن؛	ahammiyyat doshtan;	муҳим, аҳамиятли бўлмоқ,

	اهمیت یافتن؛ از اهمیت افتادن؛ اهمیت ندارد	ahammiyyat yoftan; az ahammiyyat o’ftodan; ahammiyyat nadorad	аҳамиятга эга бўлмоқ; اهمیت پیدا کردن [ahammiyyat peydo kardan]га қаранг; қийматини, аҳамиятини йўқотмоқ; аҳамияти йўқ, аҳамиятсиз, унча аҳамияти йўқ, ҳечқиси йўқ, ҳеч нарса эмас; арзимаган (аҳамиятсиз) гап ёки воқеа, ҳа, майли; яхши, қаерда бўлишидан қатъий назар; майли
1174.	آهن؛ آهن شیروانی؛	ohan; ohan shirvoni;	темир, темир нарсалар, темир-терсак; тунука;

	سنگ آهن؛ آهن سرد کوفتن (کوبیدن)؛	sange ohan; ohan sard kuftan (kubidan);	темир рудаси; беҳудага уринмоқ, фойдасиз иш қилмоқ
1175.	آهن ذوب کن	ohangzo’bko’n	آهن گداز [ohango’doz]га қаранг
1176.	آهن ذوب کنی	ohangzo’bko’ni	آهن گدازی [ohango’dozi]га қаранг
1177.	آهن سازی؛ کارخانه آهن سازی	ohangsozi; korxonaye ohangsozi	1) металл буюмлар ишлаб чиқариш; металл буюмлар ишлаб чиқариш заводи; 2) металл ишчи касби; 3) қалайчининг устахона цехи
1178.	آهن فروش	ohanfo’rush	темир, майда-чуйда металл буюмлар
117	آهنکار	ohankor	тунукали,

9.			тунукасоз
1180.	آهن گداز؛ رنج آهن گداز؛	ohango’doz; ranje ohango’doz	**I.**1) металлург; 2) темир эритиш заводи; **II.** оғир; қийин иш, оғир меҳнат
1181.	آهن گدازی؛	ohango’dozi;	**I.** темир эритиш; **II.** کارخانه آهن گدازی [korxonaye ohango’zori] - 1) металлургия заводи; 2) темир эритиш заводи, цех
1182.	آهنگرخانه	ohangarxone	темирчилик ишхонаси, цехи
1183.	آهنگری؛ چکش آهنگری؛	ohangari; chako’she ohangari;	**I.** темирчига ва темирчиликка оид, темирчилик, темирчи; темирчилик (темирчи) болғаси; **II.** 1) темирчилик касби;

	آهنگری کردن	ohangari kardan	2) темирчилик дўкони; 3) темирчининг маоши (*қадимда*); темирчи бўлиб ишлаш
1184.	آهون	ohun	*оғзаки* 1) ерости йўли; 2) ғор, унгур, моғора
1185.	ایادی؛ ایادی داشتن	ayodi; ayodi doshtan	1) يد [yad] нинг кўплиги; 2) шерик, ёмон ишлардаги ҳамкор, ҳамтовоқ; шериклари, ёрдамчилари бор
1186.	ایاز؛	ayoz;	1) эрталабки ёки кечқурунги шабада; 2) енгил, майин шабада, сабо, насим, салқин шабада; 3) Аёз (*эркак киши исми*)

1187.	ایازی	ayozi	*оғзаки* қора рангдаги аёллар чойшаби
1188.	ایاق ва ایاغ؛ ایاغ دادن؛ ایاغ بودن	ayoq va ayog’; ayog’ dodan; ayog’ budan	*оғзакида* қадаҳ, жом; *оғзакида* қадаҳни, жомни олиб келмоқ; *сўзлашувда* дўстона муносабатда бўлмоқ (*ким биландир* ҷ)
1189.	ایالت – ایالات؛ ایالات متحده امریکا	eyolat-ayolot; ayolote mo’tahadeye amriko	минтақа, район, зона, доира, провинция, вилоят (маъмурий бўлинма), округ, генерал-губернаторлик, штат; Америка Қўшма Штатлари
1190.	ایام؛ ایام تعطیل	ayyom; ayyome ta’til	1) يوم [yavm] нинг кўплиги; каникул, таътил; 2) давр, замон, вақт
1191.	ایبری	iberi	**I.** иберийларга

1.			оид, иберийлар (*қадимги шарқий грузин қабилалари, қадимги Испанияда яшаган қабилалар*); **II.**1) ибер, иберий, иберий аёл; 2) (*тожикча* زبان ایبری) иберий тили
1192.	ایتالیایی؛ زبان ایتالیایی	itolyoyi; zabone itolyoyi	**I.** Италияга ва италияликларга оид; **II.**1) итальян (*эркак, аёл*); 2) итальян тили
1193.	ایتام	aytam	یتیم [yatim] 1 нинг кўплиги
1194.	ایجاب؛	ijob;	эҳтиёж, талаб, зарурат, ҳожат, муҳтожлик, камбағаллик, қашшоқлик, бечоралик, етишмовчилик, ночорлик,

	ایجاب کردن؛ اوضاع ایجاب میکند که ...	ijob kardan; avzo ijob miko’nad ke…	кераклик, зарурлик, зарурият; талаб қилмоқ, қаттиқ (қатъий) сўрамоқ; бирор нарса кутмоқ, истамоқ, умид қилмоқ, муҳтож бўлмоқ, эҳтиёж сезм, талаб қилмоқ, чақирмоқ, чақиртирмоқ, талаб қилмоқ, зарур қилмоқ; вазият шуни тақозо этадики, …
	تا یک اندازه، تا اندازه ای؛	To yak andoze, to andozai;	қай даражада?, қанчалик, нечоғлиқ, нақадар, чандон, қай даражада;
	اندازه بودن؛	andoze budan;	маълум даражада, қисман, бирмунча, бир қадар, маълум даражада, бир ҳисобда;
	اندازه کردن؛	andoze kardan;	мос равишда, ўлчамига мувофиқ (*бирор нарсанинг*); а) ўламоқ, газламоқ, ўлчаб чиқмоқ, ўлчаб билмоқ (аниқламоқ), чамаламоқ, чамалаб кўрмоқ; б) солиштирмоқ, қиёсламоқ,

	اندازه گرفتن؛ اندازه نگهداشتن؛	andoze gereftan; andoze negahdoshtan;	қиёс қилмоқ, таққосламоқ, таққос қилмоқ, қиёс қилиб (таққослаб) кўрмоқ; в) солиштириб кўрмоқ (чиқмоқ), солиштириб тўғриламоқ (*ким биландир* با); ўлчовни олмоқ, ўлчамоқ; мўътадил, вазмин бўлмоқ (*бирор нарсада* در)
472.	اندروا(ی)	andarvo(y)	*оғзаки* دروا [darvo] II га қаранг
473.	اندک؛	andak;	1) оз, кам, етарли эмас, озгина, бироз, андак, сал, сал-пал, оз миқдорда, қиттак, жиндак,

	در اندک مدت	dar andak mo’ddat	кўп эмас; 2) унчалик катта бўлмаган, кичкина, унча кўп бўлмаган, арзимас, арзимаган, арзимайдиган, аҳамиятсиз, анчаки, анчайин, жузъий, кўзга ташланиб турмайдиган, кичик; қисқа вақт ичида
474.	اندک اندک	andakandak	секин-секин, аста-секин, оз-оздан, кам-кам, бора-бора, озгина-озгина, кам-камдан, секин-аста, тобора
475.	اندوخته	anduxte	**I.** اندوختن [anduxtan] феълининг ЎЗН; **II.** терилган,

			йиғилган, тўпланган; **III.**1) эҳтиёт қилиш, сақлаш, муҳофаза қилиш, қўриқлаш, териш, тўплаш; 2) запас, қўр, қўр-қут, ғамлаб қўйилган нарса, хазина, бойлик, кўлам, захира; **IV.** захирада, захирадаги
476.	اندوده	andude	1) اندودن [andude] *феълининг ЎЗН*; 2) суртилган, бирор нарса билан қопланган
477.	اندوز	anduz	اندوختن [anduxtan] феълининг ҲЗН
478.	اندوه آور، اندوه بار	anduhovar, anduhbor	اندوهگین [anduhgin] *га қаранг*
479.	اندوهگین	anduhgin	ғамгин, ғамли, қайғули, хафа,

			ачинарли, хафа қиладиган, ёмон, аянчли, ғамга ботган, маъюс, ҳазин, ёқимсиз, ноҳуш, мунгли, умидсиз, маъюсона, паришон, ғамнок, ғам-ҳасратли, ҳузур-ҳаловатсиз
480.	اندوهگینانه	anduhginone	1) маъюс, хафа (ғамгин) равишда, хафа (маъюс) бўлиб, ғам-андуҳ чекиб, маъюсланиб, маъюслик билан, ғамгин, мунгли; 2) ғамгин, ғамли, қайғули, хафа, ачинарли, ғамга ботган
481.	اندوهناک	anduhnok	اندوهگین [anduhgin]га қаранг

482.	اندی	andi	اند [and] 1 га қаранг
483.	اندیشناک؛	andishnok;	1) ўйчан, хаёлчан, серфикр, ўйга толган, фикрга ботган; 2) ташвишли, ташвишланган, ташвишга тушган, боши қотган, нима қилишини билмай қолган, ҳайратда қолган, гаранг, ҳайронликдаги;
	اندیشناک بودن	andishnok budan	қўрқмоқ, хавфсирамоқ, хавотирланмоқ, ташвишланмоқ, ҳайиқмоқ, ваҳимага тушмоқ, чўчимоқ, ҳуркмоқ (*бирор нарсадан* з)
484.	اندیشه ای	andishei	ғоявий, идеологик
485	انر	anar	*оғзакида* 1)

.			жуда хунук, кўримсиз, бадбашара, чакки, ножўя, ярамас, қабиҳ, қўрқинчли, ваҳимали, даҳшатли, баҳайбат, мудҳиш; 2) ярамас, ёмон, ёқимсиз, ёмон, сифати паст, бузуқ, бўлмағур, хунук, бемаза, расво, нобоп
486.	انساندوست	ensondust	1) инсонпарвар, одамгарчиликни биладиган, инсоний, одамий, инсонпарварларча, одамгарчилик юзасидан, мурувватли; 2) инсонпарвар одам
487.	انسانی؛	ensoni;	1) инсон (одам)га оид,

	غیر انسانی؛ رفتار غیر انسانی	g’eyre ensoni; raftore g’eyre ensoni	инсон (одам, киши), инсоний, одамий, одамларча, одамларга (одамзотга) оид, одам, инсон; а) ғайриинсоний, ваҳшиёна, шафқатсиз, раҳмсиз, қаҳри қаттиқ, шафқатсиз, бераҳм, қаҳрли, золим; б) инсонга номуносиб, одамгарчиликдан ташқари; ғайриинсоний, шафқатсиз ҳаракат
488.	انسب	ansab	энг мос, энг муносиб
489.	انسی	ensi	1) инсон (одам)га оид,

			инсон (одам, киши), инсонпарвар, одамгарчиликни биладиган, инсоний, одамий, инсонпарварларча; 2) инсон зоти
490.	انشعاب	ensheob	1) тармоқлантирилган; 2) тармоқлантирмоқ, 3) ёриқ, парча; 4) бўлиш, ажратиш, бўлиб-бўлиб юбориш, парчалаб ташлаш, бўлиниш, ажралиш, ажралиб (парчаланиб) кетиш, дифференциация, фарқла
491	انشعابگرانه	ensheobger	1) схематик

.		one	тарзда; 2) раскольникларга оид, раскольниклар (*бирор нарса*)
492.	انشعابی	ensheobi	раскольникларга оид, раскольниклар
493.	انطباقی	enteboqi	қиёсий, солиштирма, чоғиштирма, қиёслаш учун хизмат қиладиган, нисбатан олинган
494.	انظار؛ در انظار مردم (عموم)	anzor; dar anzore mardum (umum)	نظر [nazar] 1 нинг кўплиги; барча учун, очиқ, ошкора равишда, халойиқ олдида, жамоат олдида
495.	انعامی	en’omi	ҳадя қилинган, совға сифатида қабул қилинган

496.	انعطاف؛	en’etof;	1) эгилувчанлик, букилувчанлик, қайишқоқлик, эластиклик, ўзгарувчанлик, тез ўзгара олиш, мослашувчанлик, тадбиркорлик, уддабуронлик, эпчиллик, мувофиқлик, гапга кўниш (унаш), муомалага юриш, гапга кўникувчанлик, уновчанлик, кўнгилчанлик; 2) эгиш, букиш, қайириш, қайилтириш, эгилиш, букилиш, қайрилиш, бурилиш, муюлиш, бурилган жой, эгик, букик;
	قابل انعطاف	qobele en’etof	

			а) эгилувчан, букилувчан, қайишқоқ, эластик, кўнгилчан, гапга кўнадиган, ён берадиган, бўш келадиган, муомалага юрадиган, кўнувчан, уновчан, гапга кирадиган, кўнгли бўш; б) букиладиган
497.	انعطاف پذیر	en’etofpazir	قابل انعطاف [qobele en’etof] га қаранг (انعطاف [en’etof]*га мувофиқ*)
498.	انفجاری	enfejori	ёриладиган, портлайдиган, портловчи, фугасга оид
499.	انقباض	enqeboz	1) сиқилган, қисилган, торайтириш, камайтириш,

			озайтириш, кичрайтириш, пасайтириш, секинлатиш, камайиш, озайиш, пасайиш, кичрайиш, секинлашиш, ихчамлаштириш, ихчамлашиш, қисқариш, қисқартириш; 2) (*тожикча* انقباض خاطر) қайғу, ҳасрат, ғам-ғусса, андуҳ, ташвиш, ташвишланиш, қайғуриш, тартибсизлик, парокандалик, тўзиб кетиш, тўс-тўполон, хафалик, хафагарчилик, дилсиёҳлик, ранж, алам, озор, қайғу
500	انقسام	enqesom	ажралганлик,

.			ажратилганлик, бир-биридан ажралганлик, узилганлик, ажралиб (узилиб) қолганлик, алоқаси йўқлик, тарқоқлик, тақсимот, бўлиш, тақсимлаш, бўлиниш, тақсимланиш, ёриш, ушатиш, чақиш, майдалаш, ажралиш, майдаланиш, парчаланиб кетиш
501.	انقلابی – انقلابیون (*кўплиги*)	enqelobi-enqelobiyyun	1) революцион, инқилобий, революцион (инқилобий) руҳдаги, революцион (инқилобий) руҳ билан суғорилган;

			2) революционер, инқилобчи, революция (инқилоб) қатнашчиси
502.	انقلابی گری	enqelobigari	псевдоинқилобий
503.	انقلابیون	enqelobiyyun	انقلابی [enqelobi] 2 нинг кўплиги
504.	انکارناپذیر	enkornopazir	тортишувга (шак-шубҳага) ўрин қолдирмайдиган, шубҳасиз, аниқ, равшан, шаксиз, рад (инкор) қилиб бўлмайдиган, шак-шубҳасиз, эътирозга ўрин қолдирмайдиган
505.	انکرالاصوات	ankaro’lasvat	қулоқни тешадиган, ёқимсиз)*овоз ҳақида*)
506.	انگار؛	engor, angor;	1) انگاشتن [engoshtan-angoshtan] феълининг

	انگار کردن	angor kardan	ҲЗН; 2) *сўзлашувда* худди, сингари, гўёки, баайни, нақ, ...дек, ...га ўхшаш; *сўзлашувда* انگاشتن [engoshtan va angoshtan]га қаранг
507.	آنگاه؛ آنگاه که	ongoh; ongoh ke	1) кейин, ўша пайтда; қачондир, ўша вақтда; 2) ундан кейин, шундан кейин, сўнг, сўнгра, кейин, кейинчалик, кейинроқ, ниҳоясида, пировардида, оқибатида, натижада
508.	انگشت شمار؛	angoʼshtshoʼmor	унча кўп (катта) эмас, сони (одами) кам, озгина, кичкина;

	روزهای انگشت شماری مانده	ruzhoye angoʼshtshoʼmori monda	саноқли кунлар қолди
509.	انگشت کش	angoʼshtkesh	انگشت نشا [angoʼshtneshon] га қаранг
510.	انگشت نشان؛ انگشت نما؛ انگشت نشان شدن	angoʼshtneshon, angoʼshtnamo; angoʼshtneshon shoʼdan	1) диққатни тортувчи, эътиборни ўзига қаратувчи, бировнинг диққатини тортувчи, номдор, машҳур; 2) сохта машҳурлик эгаси; а) ҳамманинг эътиборини тортмоқ, машҳур бўлмоқ; б) сохта шон-шуҳратга эга бўлмоқ
511.	انگل؛	angal;	**I.**2) текинхўр, ишёқмас,

	انگل شدن؛	angal sho’dan	ҳаромтомоқ; 3) *сўзлашувда* хира, шилқим, елим, жонга тегадиган, безор қиладиган, миядан чиқмайдиган (кетмайдиган), мияга ўрнашиб қолган, хира одам; **II.** *сўзлашувда* хира, хирахандон, пашшахўрда, елим, хирақасқон, ёпишқоқ, шилқим, суллоҳ, жонга тегадиган, безор қиладиган, зериктирадиган, зерикарли; *сўзлашувда* илакишмоқ (*масалан*

			бегона ширкатга)
512.	انگلیس مآب	englismoab	инглизпараст
513.	انگلیسی زبان	engelisizabon	инглиз тилида сўзлашувчи
514.	آنگه	ongah	آنگاه [ongoh] га қаранг
515.	آنگهی	ongahi	*баъзан* 1) у вақтда, у маҳалда, ўшанда, ўша кезда, ўша вақтда; 2) бунинг устига, бундан ташқари
516.	انگیز	angiz	1) انگیختن [angixtan] феълининг ҲЗН; 2) *мураккаб сўзнинг иккинчи компоненти қуйидаги маънода:* қўзғатувчи, ҳаяжонга (ҳушга) келтирувчи,

			тўлқинлантирувчи, баданни уйғотувчи, жонлантирувчи, кишини ҳаракатга солувчи, чақирувчи, чорловчи (*бирор нарсани*), *масалан:* حیرت انگیز [hayratangiz] – ҳайратланарли, ажойиб, ажабланарли, тонг қоларли, ғалати, ажиб, ажаб, ҳайратда қолдирадиган, ажойиб, ақлни шоширадиган, ниҳоятда ажойиб воқеа (ҳодиса); غم انگیز [g’amangiz] – юракни эзувчи, қайғули, ғамгин
517	انگیزنده	angizande	**I.**1) ғаламис,

.			иғвогар, фитначи, васвасага солувчи; 2) илҳомчи, илҳомлантирувчи; **II.** 1) ғаламислик қилувчи, иғвогар, иғво қилувчи, қўзғатувчи; 2) илҳомлантирувчи
518.	انگیزه	angize	стимул (рағбатлантирувчи омил, қизиқтирадиган нарса, қўзғатувчи сабаб), сабаб, боис, важ, (бирор иш қилишга) ундайдиган сабаб, (бирор ишни) кўнгилга солган нарса
519	آنورمال	ono’rmol	анормал,

.			нонормал
520.	انوشه	anushe	**I.**1) бахтли, омадли, бахтиёр, иқболи (толеи) баланд, худо марҳамат қилган, худо сийлаган, худонинг марҳаматига сазовор бўлган (лойиқ), ҳузур-ҳаловатли; 2) абадий, мангу, абадий яшайдиган, ўлмайдиган, боқий, ўлмас; **II.** 1) ёш шаҳзода; 2) Ануше (*аёл киши исми*)
521.	آنوقت	onvaqt	1) у вақтда, у маҳалда, ўшанда, ўша кезда, ўша вақтда; 2) ундан кейин, сўнг, сўнгра, кейин, баъдаз, кейинчалик,

			кейинроқ
522.	آنونیم	ono’nim	аноним, номини яширган, номаълум, муаллифи аниқланмаган, муаллифи номаълум
523.	آنی؛	oni;	1) бир онли, бир лаҳзали, бир онда содир бўладиган, бўлиб ўтадиган, жуда тез, оний, дарҳол (тез, кечиктирмасдан) қилинадиган (қилинган), кечиктириб бўлмайдиган, ошиғич, тез, бир лаҳзада (бирпасда, жуда тез) содир бўлган, бирпасли, бир лаҳзали; 2) ўткинчи, вақтинча, омонат, бир лаҳзали, бир

	زندگی آنی	zendagiye oni	онли, тез ўтиб кетадиган, бебақо, вақтинчалик; қисқа умр
524.	انیس	anis	**I.**1) дўстона, дўстларча, самимий, дўстлик, дўстлар, ўртоқлик, дўстона муносабатдаги, дўстлик руҳидаги, дўстона, хайрихоҳона, дўстликни ифодаловчи; 2) қўлга оид, қўлда бўладиган, қўлда олиб бориладиган, қўл, қўлга оид, қўлда бажариладиган, қўл билан қилинадиган, дастаки, қўлга

			ўргатилган, ўргатилган; **II.**1) *баъзан* дўст, суҳбатдош, ҳамсуҳбат; 2) Анис (*аёл киши исми*)
525.	آواری	ovori	1) вайроналардан ташкил топган, вайроналардан иборат;
526.	اوبژکتیف	o’bjektiv	объектив, кишининг онггига боғланмаган ҳолда мавжуд бўлган, холис, беғараз, холисона
527.	اوتویست	o’to’pist	утопист, утопист социализм тарафдори, хаёлпараст одам
528.	اوتوماتیک	o’to’motik	اتوماتیک [o’to’motik] га қаранг

529.	اوټونومی	o’to’no’mi	1) автономия (ўз-ўзини мутақил идора қилиш ҳуқуқи, мухторият); 2) автономия ҳуқуқига эга, автономияли, автоном, мухтор
530.	آور؛	ovar-ovo’r;	**I.** آوردن [ovardan] феълининг ҲЗН; **II.** *мураккаб сўзнинг иккинчи компоненти* а) олиб келувчи, келтирувчи, *масалан:* زیان آور [ziyonovar] – зарар (зиён) қиладиган, зарарли, зиёнли, ёмон, баттол, зарар келтира оладиган, зарарли,

			зиёнли, ҳалокатли; б) олиб келинган, келтирилган, *масалан:* بادآور [bodovar] – шамол келтирган
531.	اورا	o’vro	*оғзакида* қаттиқлик, маҳкамлик, мустаҳкамлик, пухталик, чидамлилик, бутунлик
532.	آورنده	ovarande	кўрсатувчи, берувчи (*масалан: чекни*)
533.	اوسط	o’vsat	1) ўрталикдаги, оралиқдаги, ўртасидаги, ўрталиқ, оралиқ, ўрта; 2) ўрта ер (жой), ўрталиқ, оралиқ, ўрта, ора
534.	اوطراق	utroq	اطراق [o’troq] нинг кўплиги

535.	اولی؛ احتراز از استعمال این کلمه اولی است؛ بطریق اولی	o’vla; exteroz az este’mole in kalame o’vla ast; ba tariqe o’vla	афзал, ортиқ, маъқул, кўнгилдагидай, муносиброқ; бу сўзни ишлатмаслик яхшироқдир; айниқса
536.	اولیاءالله	o’vliyoo’lloh	муқаддас, азиз, табаррук, илоҳий
537.	اولیتر	o’vlitar	яхши, афзал, маъқул, ортиқ, кўнгилдагидай, мақсадга мувофиқ, мақбул
538.	اولین؛ اولین بار	avvalin; avvalin bor	биринчи, энг биринчи, бошланғич; биринчи марта, биринчи маротаба, биринчи марта (дафъа), илк бор

539.	اولیه؛ مواد اولیه	avvaliyye; mavode avvaliyye	اولی [o’vla] 2 га қаранг; хом мол, хом ашё
540.	اوهامپرست	o’vhompara st	хурофий, хурофотга берилган, ирим-сиримларга ишонадиган, бидъатпараст
541.	آویز؛	oviz;	**I.** آویختن [ovixtan] феълининг ҲЗН; **II.**1) илмоқ, илгак, осилган (*зирак, қандил*); 2) *оғзакида* кураш, жанг;
542.	آویزان؛ آویزان بودن؛	ovizon; ovizon budan;	осилган, илинган, осилиб турган; осилиб турмоқ, илиниб турмоқ (*кимгадир-нимагадир* از, به, روی); осилиб турмоқ, осилиб тушмоқ (*бирор нарсадан* از, به,

	آویزان شدن؛ آویزان کردن	ovizon sho’dan; ovizon kardan	روی); осилиб турмоқ, осилиб тушмоқ (*кимгадир-нимагадир* از, به, روی); илмоқ, осмоқ, илиб қўймоқ, ёймоқ, (турли жойларга) осмоқ, осиб ташламоқ, осиб (ёйиб) қўймоқ (*нимагадир* از, به, روی)
543.	آویزش؛	ovizesh;	1) илиш, осиш, қадоқлаш, қадоқлаб қўйиш, тарозида тортиб қўйиш; 2) *оғзакида* олишув, тортишув, беллашув, кураш, жанг, тўқнашув, уруш, урушиш,

	آویزش کردن	ovizesh kardan	жанг қилиш; урушмоқ, жанг қилмоқ
544.	آویزه؛ آویزه گوش خود ساختن؛ آویزه گوش کردن	ovize; ovize gushe xud soxtan; ovize gush kardan	1) илмоқ, илгак, жевак; 2) зирак; эътиборга олиб қўймоқ, ўзи учун билиб қўймоқ; мустаҳкам ёдда тутмоқ, эсдан чиқармаслик (*сўз, маслаҳат ва ҳоказоларни*)
545.	اویغوری	uyg’uri	**I.** уйғур, уйғурча; **II.**1) اویغور [uyg’ur]га қаранг; 2) (*тожикча* زبان اویغوری [zabone uyg’uri]) – уйғур тили
546.	آهسته آهسته	ohesteohestе	1) секин, паст овоз билан, гапирмасдан

			жим, тинч, ювош бўлиб; 2) секинлик билан, имиллаб, шошилмай, шошилмасдан; 3) аста, аста-секин, оҳиста, билдирмасдан, сездирмасдан, яширинча, махфий суратда, шошмай, бамайлихотир, шовқин-суронсиз, бировга эшиттирмасдан, секингина, секин-аста, бора-бора, тобора
546.	اهانت آمیز	ehonatomiz	1) хўрлайдиган, ҳақоратлайдиган, ҳақоратомуз, камситадиган. Хўрлик келтирадиган, обрўйини

			тўкадиган, ерга урадиган, таҳқиромуз, ҳақоратли, таҳқирли, таҳқирлайдиган, нафсониятга (иззати-нафсга, шахсиятга) тегадиган, қаттиқ тегадиган; 2) нафратли, жирканч, манфур, нафрат (ёки жирканиш)ни ифодалайдиган, менсимаслик (илтифотсизлик, калондимоғлик) билан қилинадиган, менсимайдиган, илтифотсиз, калондимоғ, назар-писанд қилмайдиган, бепарво
547	اهدائی	ehdoi	совға қилинган

.			
548.	اهلی؛ اهلی کردن	ahli; ahli kardan	қўлга оид, қўлда бўладиган, қўлда олиб бориладиган; ўргатмоқ, ўргатиб олмоқ, қўлга ўргатиб олмоқ, ўзига оғдириб олмоқ, ўзига қаратиб (ром қилиб) олмоқ, қўлда бажармоқ
549.	اهلیت	ahliyyat	1) қадр-қиммат, эътибор, обрў, ижобий сифат; 2) ишга лаёқатлилик, яроқлилик, компетенция (бирор киши яхши хабардор бўлган соҳа ёки масала),қур билимга эгалик, чуқур билимга асосланганлик,

			асослилик, хабардорлик, омилкорлик
550.	اهم؛ اهم اخبار	aham(m); aham(m) axbor	муҳимроқ, энг муҳими; энг муҳим хабарлар
551.	اهمال کار	ehmolkor	беҳафсала, бепарво, совуққон, эътиборсиз, пала-партиш (чала-чулпа) иш қиладиган, парвосиз, бепарво, беғам
552.	اهمال کاری	ehmolkori	اهمال [ehmol]га қаранг
553.	آهن پوش؛ آهن پوش کردن	ohanpush; ohanpush kardan	1) ёпиқ, темир билан қоқилган; 2) *оғзаки* зирҳ билан қопланган, зирҳли; а) темир қопламоқ; б) *оғзакида* зирҳ билан

			қопламоқ, бронламоқ, брон (зирҳ) билан қопламоқ
554.	آهن دل	ohandel	آهنین دل [ohanindel]га қаранг
555.	آهن کش	ohankesh, ohankash	آهن ربا [ohanrabo]га қаранг
556.	آهنگدار	ohangdor	1) ўзаро мос, монанд, мувофиқ, уйғун, бир-бирига тўғри келадиган, оҳангдош, ҳамоҳанг, қулоққа ёқадиган, ёқимли, хушовоз, хушоҳанг, оҳангдор, оҳангга оид; 2) ритмик, ритмли, бир текисда, бир маромда, вазнли
557	آهنین؛	ohanin;	1) آهنی) га

.	ارادہ آھنین؛ انضباط آھنین	erodaye ohanin; enzebote ohanin	қаранг; 2) темирга оид, темирдан қилинган, темирли, темир, қаттиқ, саботли, матонатли, маҳкам, қатъиятли, тоймас, қайтмас, чекинмас, букилмас, қатъий, ашаддий, оғишмайдиган, қайтмайдиган, қаттиқ, мустаҳкам, барқарор; букилмас (мустаҳкам) ирода; темир интизом
558.	آھنین پنجہ	ohanin panje	кучли, қувватли, бақувват, забардаст,

			катта жисмоний кучга эга
559.	آهنین دل	ohanindel	1) аямайдиган, раҳмсиз, шафқатсиз, бераҳм, қаҳрли, қаҳри қаттиқ, бешафқат, золим, бағри тош, қаҳри қаттиқ, қалби тош; 2) ботир, жасур, мард, довюрак, қўрқмас, юракли, жасоратли, журъатли
560.	آهوچشم	ohucheshm	оҳу кўзли (*чиройли бодом шаклидаги кўзлар ҳақида*)
561.	آهودل	ohudel	қўрқоқ, юраксиз
562.	ایدآلیستی	ideolisti	идеализмга оид, идеалистик, идеализмга асосланган, идеализм

			руҳидаги
563.	ایده ال	ideal	идеал
564.	ایدئولوژیک	ideo’lo’jik	идеалогияга оид, идеологик, ғоявий
565.	ایرادگیر	irodgir	1) асоссиз айблайверадиган, талабчан, талаби зўр, диди баланд; 2) инжиқ, нозик табиат, табиати нозик, яхши-ёмонни фарқ қиладиган, синчков
566.	ایرادی؛ نطق ایرادی	irodi; no’tqe irodi	1) талаффуз қилинган; нутқ сўзлаш; 2) ایرادگیر [irodgir] га қаранг
567.	ایستاده؛	istode;	**I.** ایستادن [istodan] феълининг ЎЗН; **II.**1) арзийдиган, арзирли,

	در حالت ایستاده	dar holate istode	арзигудай, арзигудек, тик турадиган, ўзи тураверадиган, тик; 2) қўзғалмайдиган, қимирламайдиган, қўзғалмас, турғун, ҳаракатсиз; **III.** тик (тикка) туриб, оёқ устида; тик турган ҳолда
568.	ایمن؛ ایمن بودن؛ ایمن	iman; iman budan;	хавфсиз, хавф-хатарсиз, бехатар, бетаҳлика, хавф-хатардан ҳоли, ҳимояланган; ҳимояланган, кафолатланган (*бирор нарсадан* از); хавфсиз жойда

	گردانیدن؛ ایمن ماندن؛	iman gardonidan; iman mondan;	бўлмоқ; хавфсизликни кафолатламоқ (*кимгадир-нимагадир* ға); хавфсиз қолмоқ
569.	ایمنی؛ ایمنی یافتن	imani; imani yoftan	ишончлилик, хавфсизлик, хавф-хатарсизлик, бехатарлик, ҳимояланганлик; хавфсизликка эга бўлмоқ
570.	آینده؛ سال آینده؛	oyande; sole oyande;	**I.** келгуси, келгусидаги, келаси, бўлғуси, келажак, нариги, кириб келаётган, келажакдаги, яқинлашиб келаётган, бўлажак; а) кейинги йил,

	در آینده	dar oyande	келгуси йил; б) кейинги йилда, келаси йилда, кейинги йил учун; **II.** келажак; келажакда
571.	آیین پرست	oyinparast	доктринёр, ақидапараст, қироатхон, догматик, қори
572.	آیینه اش صاف نیست	oyineash sof nist	у носамимий, ёлғончи одам
573.	آیینه دار	oyinedor	1) кўзгули, ойна билан безатилган; 2) *оғзаки* сартарош
	ب		
574.	باابتکار	boebtekor	ташаббусли, ташаббускор, ҳаракатчан, серҳаракат, серғайрат, ғайратли, ташаббускорлик талаб қиладиган, тадбирли,

			тадбиркор, топқир, ҳозиржавоб, уддабурон, эпчил, ташаббускор
575.	باآبرو	boobIru	آبрудар [obrudor]га қаранг
576.	باآب و تاب	boobo’tob	ўзига бино қўйган, гердайган, манман, мутакаббир, баландпарвоз, дабдабали, тамтароқли, бежама (*услуб, тил тўғрисида*)
577.	با آب و رنگ	boobo’rang	1) чиройли, кўркли, кўркам, кўзга ёқадиган, чиройли, гўзал, сулув, барно, зебо, ҳусндор, ҳушрўй, соҳибжамол, келишган; 2) тоза (*юз ҳақида*); 3) ялтироқ,

			ярқироқ (*юз*)
578.	باابهت؛ لحن باابهت؛	boobbo’hat; lahne boobbo’hat;	**I.** 1) тантанали, тантанавор, байрам тусини олган, улуғвор, ҳашаматли, дабдабали, маҳобатли, муҳташам, муаззам, басавлат, басалобат; дабдабали оҳанг (сўзлаш оҳанги); 2) вазмин, оғир, жиддий, сипо, ўзини тутиб олган, ёши улғайиб қолган, ёши қайтган, улуғ; басавлат, савлатли, салобатли, келишган; **II.** 1) улуғвор, улуғворлик (маҳобат, виқор) билан, савлат тўкиб,

			савлат билан
579.	بااحترام	boehterom	**I.**1) асосли, узрли, иззат-ҳурмат билан қилинадиган, ҳурматли, иззатли, иззат-ҳурмат қиладиган, сийлайдиган, одобли, одоб, ҳурмат ёки эҳтиромни ифодалайдиган, эҳтиромли, муносиб бўлган, келишган, ярашган, лойиқ бўлган, ярашадиган; 2) ҳурматли, иззатли, азиз, муҳтарам; **II.** ҳурмат (эҳтиром) билан, ҳурмат юзасидан; муносиб равишда (тарзда)

580.	باادب	boadab	1) ҳушмуомала, мулойим, силлиқ, боадаб, адабли, назокатли; иззат-ҳурматни жойига қўядиган, ҳушмуомала, муомалали, мулойим, сермулозамат, сертакаллуф, такаллуфли, сулукатли; яхши тарбия кўрган, тарбияли, таълимли, одобли, боадаб; 2) адаб, ҳушмуомалалик билан, адаб (одоб) билан, назокат билан, ҳурмат билан, ҳурмат юзасидан, ҳушмуомала, мулойим
581	باادراک	boedrok	зеҳни ўткир

.			(баланд), фаросатли, фаҳмли, зийрак, тез тушунадиган, тушунувчан, ақлли (калласи) яхши ишлайдиган, фаҳми (зеҳни) ўткир, фаҳмли, идрокли, оқил, мияли, фаҳм-фаросатли
582.	باارادە	boerode	иродага оид, ирода, иродали, иродаси кучли, дадил, жасур, юракли, ҳал қилувчи, ҳал қиладиган, муҳим
583.	باارزش	boarzesh	баҳоли, қиймати (нархи, баҳоси) кўрсатилган, қимматбаҳо, қимматли, қадрли, муҳим аҳамиятли, зарур, керакли

584.	باالساس؛ دليل باالساس	boasos; dalile boasos	жиддий асосга эга бўлган, асосли, ишонарли, ишончли, пухта, асосланган, асослар (далиллар) билан тасдиқланган, исботланган, ишонтирадиган, пухта, аниқ; ишончли далил
585.	باالستخوان	boo’sto’xon	1) турғун, чидамли, пишиқ, пухта, кучли ирода билан, иродага оид, ирода, иродали, иродаси кучли; 2) нуфузли, обрўли, эътиборли, обрўга эга бўлган;
586.	باالستطاعت	boestetoat	бой, мол-мулкка эга

			бўлган, бадавлат, мулкдор, бой-бадавлат, давлатманд
587.	باستعداد	boestedod	қобил, қодир, лаёқатли, талантли, истеъдодли, қобилиятли, уқувли
588.	باستقامت	boesteqomat	1) турғун, барқарор, бардошли, чидамли, пишиқ, мустаҳкам, маҳкам, қаттиқ, пухта, бардош берадиган, бузилмас, барқарор; 2) қотиб қолган, қатъий, узил-кесил, саботли, матонатли, букилмас, мардонавор, собитқадам (*кимдир ҳақида*)

589.	باشتها	boeshteho	**I.**1) иштаҳаси яхши бўлган; 2) *сўлашувда* ғаразли, тамагир, манфаатпараст, ҳарис, ўз фойдасини кўзлайдиган, тамагирлик билан қилинган, очкўз, ҳирс қўйган, ҳирсли; **II.** иштаҳа билан, иштаҳани қўзғатадиган
590.	باصل؛ باصل و نسب	boasl, boaslo’nasab	1) олийжаноб, олийҳиммат, ҳимматли, виждонли, пок, мард, мардонавор, ҳалол, тўғри, софдил (*кимдир ҳақида*); 2) олийжаноб насабли
591.	باطلاع	boettelo’	1) хабардор, яхши

			биладиган, билимдон, яхши маълумотга эга; 2) билимли, маълумотли, билимдон, тажрибали, тажрибакор, омилкор, уста, моҳир, ҳадисини олганпишиган, ўткир
592.	باعتبار	boe’tebor	мустаҳкам, пухта, ишончли, улуғвор, савлатли, салобатли, басавлат, обрўли, нуфузли, эътиборли
593.	باعتقاد	boe’teqod	1) дадил, қатъий, маҳкам, ишонч билан қилинган, қатъий ишонган, астойдил ишонган, кучли

			эътиыодга эга бщлган, кучли эътиыодли; 2) ишонувчи, эътиқод қилувчи, диний, хурофий, диндор, динга берилган, художўй, тақводор
594.	بافاده	boefode	1) ўз қадр-қимматини биладиган, ғурурли, иззат нафсли, мағрур, муҳим, аҳамиятли, зарур, керакли, такаббур, манман, калондимоқ, кибр-ҳавоси баланд, димоғдор, кеккайган, ўзини катта тутадиган; 2) мақтанчоқ, манман, мақтанчоқлик

			билан қилинган, мақтанчоқлик (*кимдир ҳақида*)
595.	باافتخار؛ وظیفه باافتخار؛ این شخص از دووه باافتخاری است	boeftexor; vazifaye boeftexor; ib shaxs az duda boeftexori ast	1) фахрли, атоқли, донгдор, донғи чиққан, номи (шуҳрати) кетган, шонли, шавкатли, шуҳратли, машҳур; шарафли бурч; шарафли вазифа; бу одам зодагонлар оиласидан; 2) ҳурмат билан, шараф билан
596.	باقتدار	boeqtedor	кучли, қувватли, бақувват, забардаст, азимкор, қудратли,

			баланд, қаттиқ
597.	باانصاف	boensof	**I.**1) адолатли, одил, ҳаққоний, виждонли, инсофли, инсоф билан иш қиладиган; 2) ҳалол, пок, виждонли, тўғри, софдил; **II.**1) адолатли, виждонига ҳавола, виждонига кўра, бетарафлик билан, беғараз, ҳолис, одилона, ҳаққоний равишда; 2) виждон билан, ҳалол, виждонан, ҳалоллик билан, рўйирост, тўғри
598.	باانضباط	boenzebot	интизомли, тартибли, тартиб-интизомга солинган

			(тушган)
599.	بااوباب	boo’bob	بااباب [boo’bob]га қаранг
600.	بااهمیت؛ این کار بااهمیتی است	boahamiyyat; in kor boahamiyyati ast	муҳим, аҳамиятли, зарур, керакли; бу муҳим масала, бу зарур иш
601.	باایمن	boiman	بااعتقاد [boe’teqod]га қаранг
602.	بابرکت؛ سرزمین بابرکت	bobarakat; sarzamine bobarakat	1) ноз-неъматларга бой, сернеъмат, баракатли, фаровон, роҳатбахш, оромбахш, ҳузурли; жуда кўп, мўл-кўл, сероб, бой; ноз-неъматларга бой жой, фаровон ўлка; 2) бахт, омад келтирувчи;

			3) фойда келтирувчи
603.	بابضاعت	bobazoat	давлатманд, бой, бадавлат, тўлашга қурби етадиган, тўлашга қодир, асосли, асосланган, далилларга эга бўлган; бой, бадавлат, давлатманд, фаровон; мулкдор, амлокдор, бой, бадавлат, давлатманд
604.	بابنیه	bobo’nye	кучли, қувватли, бақувват, забардаст, жуссаси пишиқ, чидамли, тўзимли, бардошли, тоқатли, маҳкам, қаттиқ, мустаҳкам
605.	باپشتکار	bopo’shtekor	тиришқоқ, ғайратчан,

			серҳафсала, серҳаракат, қунтли, қунт (ғайрат) билан ишлайдиган, тиришқоқ, ғайратли, қунт билан қилинадиган, кўп куч талаб қиладиган, қийин, оғир (*меҳнат*); актив, фаол; меҳнатсевар
606.	باتجربه	botajro’be	тажрибали, моҳир, ҳадисини олган, кўпни кўрган, бошидан кўп нарса кечирган
607.	باتدبير	botadbir	ўйлаб, ақл билан иш қиладиган, ақлли, доно, мулоҳазали, эҳтиёткор; тадбиркор, тадбирли, узоқни

			ўйлайдиган, келажакни ўйлаб иш қиладиган; донишманд, доно, оқил, оқилона, ақлли
608.	باترتیب؛	botartib;	**I.**1) тартибга аниқ риоя қилувчи, жо-бажо иш тутувчи (*кимдир ҳақида*), батартиб, саранжом-саришта, покиза, озода, эҳтиёткор, пишиқ-пухта ишланган, ихчам, шинам; 2) тартибга келтирилган, тартибга солинган; яхши ташкиллаштир илган;
	مجلس باترتیب؛	majlese botartib	яхши ташкил

			этилган мажлис; 3) мунтазам, доимий, тизимли, тартибли, бир текис, бир маромда, доимий; **II.**1) тартиб билан, батартиб; 2) жойида, уюшқоқлик билан, ташкилий (тартибли) равишда, ҳамжиҳатлик билан, ҳамжиҳат; 3) мунтазам, доимий, тизимли равишда, доимий
609.	باتصميم	botasmim	дадил, жасур, юракли, журъатли, довюрак, мард, тап тортмас,

			иккиланмайдиган, қаттиқ, барқарор, ишонч билан қилинган; аниқ бир мақсадга қаратилган, йўналтирилган
610.	باتقوی	botaqvo	1) диндор, тақводор, хўдожўй, мўмин; тақволи; тавфиқли, батавфиқ; 2) диндор, тақводор, художўй, мўмин, чин ихлос билан, қалбдан
611.	باتلاقی؛ اراضی باتلاقی	botloqi; aroziye botloqi	ботқоқлик жойлари кўп бўлган, ботқоқликлардан иборат, серботқоқ, ботиб кетадиган, ботқоқ;

			ботқоқликка айланган ер
612.	باتميز	botamyiz	1) тез тушунадиган, ақлли (калласи) яхши ишлайдиган, фаҳми (зеҳни) ўткир, фаҳмли, идрокли, зеҳни ўткир, ўткир зеҳнли, ақлли, идрокли, билағон, зийрак, туйғун, бамаъни, мулоҳазали, муҳокамали, андишали, ўйлаб (ақл билан) иш қиладиган, фаросатли, эс-ҳушли; 2) фарқига борадиган, бошқалардан фарқлай оладиган
613.	باجبار	beejbor	мажбурий, мажбурий

			равишда, зўрлаб
614.	باجتماع	beejtemo’	1) биргаликда, бирга, биргалашиб, қўлни қўлга бериб; 2) оломон, тўда
615.	باجماع	beejmo’	ҳамма, ҳамма биргаликда, бирга, биргалашиб, қўлни қўлга бериб
616.	باجمال	bojamol	чиройли, кўркли, кўркам, кўзга ёқадиган, ёқимли, ёқимтой, истараси иссиқ, нафис, нозик, нафосатли, назокатли, келишган, бежирим, гўзал
617.	باجمال	beejmol	қисқартирилган, қисқа, қисқача, қисқа (лўнда) қилиб, лўнда, хулоса қилиб, қисқача

			(қисқа, лўнда) қилиб
618.	باحاصل	bohosel	унумдор, унумли, серунум, маҳсулдор, сермаҳсул, сернатижа, натижа берадиган, фойдали, самарали
619.	باحالت؛ چشمان باحالت	boholat; chashmone boholat	ифодали, жонли, маъноли, маънодор; маъноли (маънодор) кўзлар
620.	باحرارت؛ نطق باحرارت	boharorat; no’tqe boharorat	1) иссиқ, қайноқ, қизиб турган, қизғин, жўшқин, ғайратли, юрагида ўти бор, алангали, ёлқинли; қайноқ, жўшқин нутқ;

			2) руҳланган, руҳи кўтарилган, завқ-шавқи ошган, кўтаринки (баланд) руҳдаги, завқ-шавқли, энтузиазм, тўла завқ-шавқ, ғайрат, иштиёқ
621.	باحسن الوجوه	beahsano’lvo’juh	энг яхши тарзда
622.	باحقوق	boho’quq	яхшиликни билувчи (билдирувчи, ифодаловчи), миннатдор, яхши натижа берадиган, самарали, баракали, яхшиликнинг қадрига етган, яхшиликни билган
623.	باحميت	bohamiyyat	раҳмдил, кўнгилчан, куйинчак, дилдор, юмшоқ;

			ғамхўр, меҳрибон, жонкуяр, дўстона ҳисларга эгалик қилувчи
624.	باحور؛ ایام باحور	bohur; ayyome bohur	иссиқ кунлар, жазирама кунлар (*ёзда*)
625.	باحوصله	boho’vsale	1) чидамли, бардошли, сабр-тоқатли, саботли, матонатли, сабрли, тўзимли, оғир, вазмин; 2) чидаш билан, сабр (тоқат) қилиб, бардош (чидам) билан
626.	باحیا؛	bohayo;	камтар, камсуқум, оддий, сипо, содда; уятчан, тортинчоқ, иболи, журъатсиз, юраксиз,

	دختر باحیا	do’xtare bohayo	қўрқоқ, ор-номусли, ҳаёли; сипо (боодоб) қиз
627.	باحیات	bohayot	ҳаётни яхши кўрадиган, ҳаётни севувчи
628.	باحیثیت؛ اوآدم باحیثیتی است	boheysiyyat; u odame boheysiyyati ast	мустаҳкам, пухта, ишончли; улуғвор, савлатли, салобатли, басавлат, обрў қозонган, обрўли, бообрў, жиддий, нуфузли, салмоқли, йирик, асосли, пухта, обрўга эга бўлган, эътиборли; у мавқега эга одам
629.	باخبر؛	Boxabar;	Яхши биладиган, билимли, маълумотли,

	باخبر بودن؛ باخبر کردن؛ باخبر باش!	boxabar budan; boxabar kardan; boxabar bosh!	билимдон, билармон, билағон, тажрибали, донишманд; хабардор; билувчи, хабари бор, биладиган; билмоқ (*ниманидир* از); бохабар бўлмоқ (*нимадандир* از); маълум қилмоқ, билдириб (хабардор) қилиб қўймоқ; эҳтиёт бўл!, эҳтиётлик билан!, эҳтиёт қилиб!, эҳтиёт бўлиб!
630.	باختری	boxtari	**I.**1) ғарбий, ғарбдаги, ғарб томондаги, ғарб; 2) *тарихий* бақтрияга оид;

			II. *тарихий* бақтриялик, қадимги Бақтрия аҳолиси
631.	باختصار	beextesor	қисқа (лўнда) қилиб, қисқача, қисқача қилиб, қисқа, лўнда, қисқартирилган
632.	باخته	boxte	1) باختن [boxtan] *феълининг ЎЗН;* 2) باخت [boxt] *га қаранг*
633.	باخدا(ی)	boxo’do(y)	*сўзлашувда* диндор, тақводор, художўй, мўмин, тавфиқли, батавфиқ, чин ихлос билан берилган, ихлосманд, диний, хурофий, динга берилган
634.	باخرد	boxerad	بخرد [bexerad] га қаранг
635	باخل	boxel	*баъзан* بخیل

.			[baxil] га қаранг
636.	بادآلو، بادآلود	bodolu, bodolud	хурпайган, шишган, ишган, яллиғланган
637.	بادامی؛ چشمان بادامی؛ نان بادامی؛	bodomi; chashmone bodomi; none bodomi;	1) чўзинчоқ, узунчоқ, чўзиқ; овал шаклидаги; бодомсимон, бодомга ўхшаш; бодомқовоқ кўз; 2) бодомга оид, бодом, бодом билан тўлдирилган; бодом мағзи солиб пиширилган пирожное, печенье
638.	بادباندار؛ کشتی بادباندار	bodbondor; keshtiye bodbondor	1) елканли (*кема ҳақида*); 2) елкан кема, елканли кема
639.	بادبانی؛	bodboni;	**I.**1) елканга оид, елкан билан юрадиган,

	قایق بادبانی؛ پارچه بادبانی	qoyeqe bodboni; porchaye bodboni	елканли қайиқ, елкан, елкан билан таъминланган; елканли қайиқ; 2) елкан билан боғлиқ; **II.** *баъзан* елкан остида сузиш; парусина (каноп дан тўқилган қалин, пухта мато)
640.	بادبدست؛	bodbedast;	**I.**1) ичи бўш, ҳеч нарсаси йўқ, бўш, қуруқ, пуч, нокерак, ҳеч кераги йўқ, фойдасиз, кераксиз (*бирор нарса ҳақида*); 2) синган, касод бўлган, хонавайрон бўлган; 3) камбағал, фақир, ночор,

	بادبدست ماندن	bodbedast mondan	йўқсил, йўқ, қашшоқ, бечораҳол; **II.**1) бекорчи, бекорчихўжа, ялқов, танбал, ишёқмас, ярамас, такасалтанг; 2) банкрот, синган савдогар, капиталист; 3) камбағал одам, фақир, қашшоқ, бечора, камбағал деҳқон; ҳеч нарсасиз қолмоқ, ҳеч вақосиз қолмоқ, бор будини йўқотмоқ, банкрот бўлмоқ, синмоқ, касод бўлмоқ
641.	بادپا؛	bodpo;	**I.** шамол каби тез; оёғи енгил, тез, югурик,

	سمند بادپا	samande bodpo	чаққон, чопқир, югуришда тез; чопқир от; **II.**1) пойгачи от, чопқир (учқур) от, арғумоқ, йўртоқи от, йўртиб чопадиган от; пойгачи (чопқир) от; 2) жанговар от
642.	بادپناه	bodpanoh	1) шамолдан тескари, шамолдан панада, шамолдан ҳимояланган; 2) шамолга тескари томон
643.	بادخوان	bodxvon	*баъзан* 1) сергап одам, эзма, вайсақи, сафсатабоз, ичида гап ёймайдиган одам, оғзи бўш одам, гапдон одам,

			маҳмадона; ҳушомадгўй одам, лаганбардор, тилёғламачи, ялтоқ; **II.** بادگیر [bodgir] I 1), 2) га қаранг
644.	بادخور	bodxo’r	**I.** шамолли; **II.**1) уйдаги ёки девордаги тешик (*ҳаво кириши учун*), туйнук, йўл (ҳаво, газ, тутун чиқиб туриши учун); 2) *сўзлашувда* узилиш, танаффус, дам олиш, кечикиш, тўхталиб қолиш, ишкаллик, тўхташ, қўниш, бекат
645.	بادخوردگی	bodxo’rdegi	ахлоқи бузуқлик, ахлоқсизлик, бадахлоқлик,

			тахирлик, какралик, ачиганлик; моғорлаган, моғор босган (*маҳсулотлар*)
646.	بادخورده	bodxo’rde	бузилган, ёмонлашган, сасиган, жийиган, ҳидланган, палағда бўлган, тахир, ачиган, моғорлаган, моғор (пўпанак) босган, пих боғлаган; айниган (*маҳсулот ҳақида*)
647.	بادخیز؛ ناحیه بادخیز	bodxiz; nohyaye bodxiz	шамолли, изғиринли; изғирин шамолли, шамол билан эсувчи; шамолли жой; шамол эсувчи бурчак
648	باددار	boddor	1) шишган,

.			кўтарилган, гуп, шишиб, бўртиб чиққан, ҳаво билан тўлдирилган; 2) яллиғланган, ишган; 3) газ чақирадиган (*егулик ҳақида*); 4) манман, димоғдор, димоғи баланд, мағрур, такаббур, кеккайган, ўз қадр-қимматини биладиган, ғурурли, иззат нафсли, манман, кибр-ҳавоси баланд, калондимоғ
649.	بااددرسر	boddarsar	1) кеккайган, шуҳратпараст, ўзига бино қўйган, мақтанчоқ, калондимоғ,

			димоғи баланд, кеккайган, такаббур, такаббурона, гердайган, кибр-ҳавоси баланд, мағрур; 2) ичи бўш, бўш, қуруқ, пуч, енгил, жиддий эмас, енгилтак, енгилтабиат
650.	بادركف، بادرمشت	boddarkaf, boddarmo’sht	بادبدست [bodbedast] 1 2), 3) га қаранг
651.	بادست	boddast	**I.**1) исрофгар, нобудгар, беҳуда сарф қилувчи, совуриб юборувчи, осон сарфланувчи (*пул, бойлик*); 2) بادبدست [bodbadast] **1** 2), 3) га қаранг; **II.** исрофгар, исроф қилувчи, беҳуда сарфловчи, совуриб

			юборувчи, пулни совурувчи, пулни айш-ишратга, бўлар-бўлмасга сарф қилувчи, пулхўр, пул ва молни бекорга сарф қиладиган, (нобуд қиладигшан, совурадиган) одам
652.	بادستی	boddasti	бемаъни, келишмаган, куракда турмайдиган, тутуриқсиз, бесўнақай, беўхшов, келишмаган, беҳуда сарф-ҳаражат; пулни совуриш, пулни айш-ишратга, бўлар-бўлмасга сарфлаш, пулхўрлик, исрофгарчилик,

			нобудгарчилик, исрофгарлик, нобудгарлик, беҳуда сарфлаш, совуриб юбориш
653.	بادران	bodron	1) *оғзакида* بادبزن [bodbezan]га қаранг; 2) *баъзан* шуҳратпараст, кеккайган, мағрур, ўзига бино қўйган, мақтанчоқ, ўзини ўйловчи, тасаввур қилувчи
654.	بادرفتار	bodraftor	*баъзан* بادپا [bodpo]га қаранг
655.	بادزدگی	bodzadegi	بادخوردگی [bodxo’rdegi]га қаранг
656.	بادزده	bodzade	بادخورده [bodxo’rde]га қаранг
657.	بادسار	bodsor	بادسر [bodsar] га қаранг

658.	بادسر	bodsar	1) манман, димоғдор, димоғи (кибр-ҳавоси) баланд, мағрур, такаббур, кеккайган, калондимоғ; баландпарвоз, гердайган, ўзини катта тутувчи; 2) *баъзан* (кимдир ҳақида) қуруқ, енгилтак, мулоҳазасиз, кетини оқибатини ўйламайдиган), жиддий эмас, енгил, енгилтабиат, бачкана, юзаки, унча муҳим эмас, аҳамиятсиз, арзимаган, шунчаки, жузъий, қадрсиз

659.	بادسیر	bodseyr	بادپا [bodpo] 1 га қаранг
660.	بادکرده	bodkarde	1) шишган, шишиб кетган, пўрсилдоқ; 2) яллиғланган
661.	بادکف	bodkaf	باددست [boddast] га қаранг
662.	بادل	bodel	мард, ботир, жасур, қаҳрамон, довюрак, қўрқмас, амрдона, қаҳрамонона, мардонавор, журъатли, жасоратли, мардларга хос, мардларча
663.	بادوام	bodavom	1) узоқ давом этган (ёки этадиган); узоққа чўзилган (чўзиладиган), узоқ муддатли, узоқ давомли, узоқ давом этадиган, чўзиладиган,

			узоқ, узун, давомли; узоқ вақтга мўлжалланган; 2) маҳкам, пишиқ, пухта, чидамли, мустаҳкам, бардош берадиган, бузилмас, барқарор, ишончли
664.	باد و بروت؛ با باد و	bodo’bo’rut;	1) такаббурлик, манманлик, димоғдорлик, кибр-ҳаво, димоғи (кибр-ҳавоси) баландлик, мағрурлик, шуҳратпарастлик, кеккайишлик, ўзига бино қўйишлик (*эркакларда*); 2) эркак қадр-қиммати, ғурури, эркакча ғурур, эркаклик

	بروت	bo bodo’bo’rut	ғурури; такаббурлик билан, димоғдорлик билан; димоғдор, мағрурлик ёки (ғурур) билан, мағрурланиб, мағрурона
665.	باده پرست	bodeparast	шаробга муккасидан кетган, ҳаваскор ичувчи
666.	باده پرستی	bodeparasti	винога ишқибозлик
667.	باده خوار	bodexor	1) шароб ичувчи; 2) ичкиликбоз, арақҳўр, пиёниста
668.	باده خواری؛ باده خواری	bodexori; bodexori	шароб ичмоқ, шароб истеъмол қилмоқ; арақҳўрлик, ичкиликбозлик, пиёнисталик;

	كردن	kardan	шароб ичмоқ, аракҳўрлик қилмоқ, ишрат қилмоқ
669.	بادی؛	bodi;	**I.**1) шамолли, изғиринли, шамол билан; *тожикча Эрон шамсий йилининг уч ойлик эпитети: жавзо;* جوزا [javzo] га қаранг; 2) далв; دلو [dalv] га қаранг; 3) мезон; میزان [mizon] 1 6) га қаранг;
	هوای بادی؛	havoye bodi;	шамолли об-ҳаво;
			2) шамолга оид, шамол, шамол тўсадиган, шамолга чидамли, шамолдан ҳимоя қиладиган;

	تشک بادی؛ آسیاب بادی؛ کشتی بادی؛ موسیقی بادی آلات (سازهای)؛ چراغ بادی؛	to’shake bodi; osyobe bodi; keshtiye bodi; musiqi bodiye olot (sozhoy);	3) ҳаво, ҳаволи, дам бериладиган, пуфланадиган, дамлама; дамлама матрас; 4) шамолга оид, шамол кучи билан ҳаракатга келадиган, шамол; шамол тегирмон; елканли кема, елкан кема; 5) пуфлаб чалинадиган (*мусиқа асбоби ҳақида*); пуфлаб чалинадиган асбоблар;

	در بادی امر؛	cherog’ bodi; dar bodi amr;	6) манман, димоғдор, димоғи (кибр-ҳавоси) баланд, мағрур, такаббур, кеккайган, калондимоғ; фонарь, фонус (шишали чироқ); йигирманчи лампа; **II.** бош, боши; биринчи қарашда
670.	بادیانت	bodiyonat	диндор, тақводор, художўй, мўмин, тавфиқли, батавфиқ, чин ихлос билан берилган, ихлосманд
671.	بادید	bodid	پدید [padid] га қаранг
672.	باذکاوت	bozakovat	ўткир, зийрак, сезгир; зеҳни

			(ўткир) баланд, фаросатли, фаҳмли, тез тушунадиган, тушунувчан, ақлли, ақли (калласи) яхши ишлайдиган, фаҳми (зеҳни) ўткир, фаҳмли, идрокли
673.	بار	bor	**IV. 1.** باریدن [boridan] феълининг ҲЗН; **2.** *мураккаб сўзнинг иккинчи компоненти, қуйидаги маънода:* тўкилувчи, тошувчи, *масалан:* مشکبار [mo’shkbor] – мушкнинг тўлиб-тошган ҳиди, мушк ҳидли; مرگبار [margbor] – ўлдирадиган,

			ажал келтирадиган, қирғин қиладиган, ўлимга олиб келувчи
674.	بآرامی	beoromi	тинч, осойишта, хотиржамлик билан, хотиржам, бамайлихотир, бемалол, жимжит, бехавотир; секин, паст овоз билан, гапирмасдан, жим, тинч, ювош бўлиб, сокин, шовқин-суронсиз, шамолсиз, тинч (*об-ҳаво ҳақида*)
675.	باران دیده؛ کشت باران دیده؛	borondide; keshte borondide;	ёмғирда ивиган, намиққан; ёғган, қуйилган; ёмғир билан

	گرگ باران دیده	go’rge borondide	суғориладиган экинлар; а) яхши кийинган, кўп тажрибага эга, кўпни кўрган, бошидан кўп нарса кечирган, тажрибали, туллак (*кимдир ҳақида*); чумчуқни отадиган; б) тажрибали фирибгар, моҳир аблаҳ
676.	باران زده	boronzade	ёмғирда намиққан; намликдан бузилган (*товар ва маҳсулот*)
677.	بارآور	borovar	1) мевали, мева (ҳосил) қиладиган (берадиган), унумдор (*дарахт ҳақида*); 2) унумдор, унумли, серунум,

			маҳсулдор, сермаҳсул, сернатижа, натижа берадиган, фойдали; 3) даромад берадиган, даромад келтирадиган, даромадли, сердаромад, даромад, рентабел, ўз харажатини ўзи кўтарадиган, зиён келтирмайдиган, фойдали; 4) серҳосил, ҳосилдор, сермева, кўп болалайдиган, тез кўпаядиган, урчийдиган, серпушт, иши серунум, сермаҳсул, маҳсулдор, кщп насл берувчи (*чорва ҳақида*)

678.	باراه	boroh	*баъзан* тўғри йўлдан болрувчи
679.	بارای	boroy	1) ақлли, оқил, мияли, фаҳм-фаросатли, ақли бор, идрокли, эс-ҳушли, мулоҳазали, зеҳнли; 2) эҳтиёткор, тадбиркор, тадбирли, узоқни йўлайдиган (кўрадиган), келажакни ўйлаб иш қиладиган
680.	بارحم	borahm	яхши, яхшиликни аямайдиган, марҳаматли, раҳмдил, меҳрибон, мунис, хуш келадиган, ёқимли, яхши, хайрли, эзгу, савобли, яқин,

			қалин, аъло, пок, ачинарли, аянчли, ғамгин, ҳазин, мунгли, ҳамдард, раҳмдил, хайрихоҳ, шафқатли
681.	بارحمت	borahmat	марҳаматли, илтифотли, раҳмли, шафқатли, раҳмдил, кўнгли юмшоқ, раҳм-шафқат юзасидан қилинган; мурувватли, ҳиммatли, олийҳиммат, олийжаноб, феъли кенг
682.	بارخیز؛ شاخه های بارخیز؛	borxiz; shoxahoye borxiz;	1) мевали, мева (ҳосил) қиладиган (берадиган); меваларга бой; мевали дарахт шохлари; 2) унумдор,

	کشور بارخیز	keshvare borxiz	ҳосилдор, серҳосил, семиз (ер ҳақида); унумли; унумдор мамлакат
683.	باردار؛ گاو باردار؛	bordor; gove bordor;	1) мевали, мева (ҳосил) қиладиган (берадиган), шохлар ҳосил кўплигидан оғирлашган (*дарахт ҳақида*); 2) ҳомиладор, бўйида бор, бўғоз, бўғоз (*сигир*); бўғоз (*қорнида боласи бор*) қўй, бўғоз чўчқа; бўғоз сигир; 3) аралашмаларни ўз ичига олувчи; қуйи проба (*олтин, кумуш ҳақида*);

	باردار شدن؛ به باردار	bordor sho’dan; be bordor	4) ўйлаб ўтирмасдан (*тил ҳақида*); а) ҳосил (мева) бермоқ, ҳосилга (мевага) кирмоқ, ҳосил бермоқ (*дарахтлар*); б) ҳомиладор (иккиқат) бўлмоқ, бўйида бўлмоқ, бўйида бўлиб қолмоқ, олиб бормоқ, олиб кетмоқ; в) ўйлаб ўтирмай гапирмоқ (*тил ҳақида*); паҳмоқли беҳи меваси
684.	барده	bordeh	мевали, мева берадиган, мева қиладиган (*дарахт*)
685.	барз؛	borez;	1) очиқ, очиқдан-очиқ, ошкора, рўйи-

	گواه بارز	go’vohe borez	рост, очиқчасига (баралла) қилинган, аниқ, равшан, дона-дона; яққол; очиқ гувоҳлик; 2) бошқалардан ажралиб турувчи, машҳур, атоқли, донгдор
686.	باركش؛	borkesh, borkash;	**I.** ташувчи, юкларни ташувчи; юк ташиш; юк ортиладиган, юк ташиш учун хизмат қиладиган; аравага қўшиладиган от, аравакаш от; *баъзан* товар поезди; **II.** 1) грузовик,
	اسب باركش؛	asbe borkesh;	
	قطار باركش؛	qatore borkesh;	
	اتومابيل باركش	o’tumo’bile borkash	

			юк автомобили, юк машина, юк ташувчи автомобиль; 2) тягач, шатакчи (автомобил, трактор, паровоз ва шу каби)
687.	باروتی	boruti	кул ранг, бўз, кўкимтир, бўзарган, оқарган, булутли, бузуқ (*ҳаво*), кулранг
688.	باروح	boruh	1) ҳаётга тўла; хушчақчақ; тирик, жонли; 2) руҳи кўтарилган, кайфи чоғ, ҳаяжонли, безовта, ғовур-ғувур, қизғин, жўшқин, жонли, чаққон; қайнаб тошган, пишқирган, кўпириб турган, қизғин,

			жўшқин, қайноқ, куч-ғайратга тўлган, серғайрат
689.	بارور؛ بارور شدن؛ این باغ از پنجمین سال بارور شد	borvar; borvar sho’dan; in bog’ az panjo’min sol borvar sho’d	1) мевали, мева (ҳосил) қиладиган (берадиган), мева берувчи (*дарахт*); 2) серҳосил, ҳосилдор, сермева; кўп насл берувчи (*чорва ҳақида*); а) мева бермоқ (*дарахт*); бу боғ бешинчи йилда мева бера бошлади; б) болаламоқ, насл (*чорва ҳақида*)
690.	باره درباره؛	bore; darbore;	**I.** *сифатдан ясалган предлог* хусусида,

	در باره این؛ از این باره؛ از این باره نگران نباشید؛ در این باره	darbore in; az in bore; az in bore negaron naboshid; dar in bore	тўғрисида, ҳақида, хусусида, юзасидан; тааллуқли, тегишли, доир; ҳақида; бу ҳақида; бу хусусда; ушбу муносабатда; бу ҳақда ташвишланман г; бу борада, бу ҳақда, шу муносабат билан
691.	باره	bore	**II.** بارو [boru] га қаранг
692.	باره؛ باره زبان؛	bore; bore zabon;	**III.** 1) ўйлаб ўтирмасдан, тайёрланмасдан, бирдан (*тилда*); тил устидаги

	بارہ دندان	bore dandon	қоплама; 2) тош (*тишдаги*); темир тош
693.	بارہ؛ بارہ سرکش	bore; bore sarkash	**IV.** *оғзакида* от; серғайрат, серҳаракат, астойдил, жонбоз, тиришқоқ, жонкуяр, жўшқин, оташин (*юрак ҳақида*), югирик (чопқир) от, бир неча бор, бир неча марта, карра
694.	باریک؛ تسمه های	borik; tasmahoye	1) тор, энсиз, камбар, ингичка, танг, сиқиб турадиган, сиқиқ, чегараланган, чекланган, бир ёқлама, тушунчаси тор, кенг эмас;

	باریک؛	borik;	тор камарлар; 2) нозик, озғин, ингичка, келишган, хушбичим, хушқад, қомати расо; текис, алифдек тўғри, изчил, мантиқли; мўрт, синувчан, тез синадиган, уваланувчан, нозик, заиф, нимжон, қилтириқ; хипча бел; хушбичим гавда, текис, алифдек тўғри; 3) юпқа, ингичка, нозик, озғин, тор, нафис, чиройли, латиф, ёқимли, назокатли,
	اندام باریک؛	andome borik;	

			такомиллашган, ашаддий, учига чиққан, ўта кетган, оғир, хушмуомала, мулойим
695.	باریک اندام	borikandom	юпқа, ингичка, нозик, озғин, тор, ингичка, баланд (*овоз ҳақида*), келишган, ҳушбичим, ҳушқад, қомати расо; нафис шакл билан; мўрт, синувчан, тез синадиган, уваланувчан, заиф, нимжон, қилтириқ
696.	باریک بین	borikbin	ўткир кўзли, кўзи ўткир, ўткир, ҳушёр, сергак, зийрак, сезгир, зийрак, фаросатли, олдиндан кўра биладиган, заковатли,

			зеҳнли, зеҳни ўткир, идроки зўр, топқир
670.	باریکی	boriki	1) камбарлик, энсизлик, торлик; 2) юпқалик, нафис, ингичкалик, нозиклик, хипчалик, мўртлик, синувчанлик, заифлик, нимжонлик; 3) нафислик, нозиклик, назокатлилик
671.	بازارپسند	bozorpasand	бозори чаққон, тез ўтадиган, тез сотиладиган, бозоргир; юрадиган, учадиган, талаб катта (*маҳсулот ҳақида*)
672.	بازداشتی	bozdoshti	қамалган, қамоққа (ҳибсга) олинган,

			қамалган, қамоққа ҳибсга олинган киши, маҳбус; қамаб қўйилган, ҳибсга олинган
673.	بازدید کننده	bozdidko’nande	ташриф буюрган (йўқлаб келган) киши, меҳмон, келувчи, қатновчи, ташриф қилувчи
674.	بازمانده	bozmonde	**I.**1) довдираб юрувчи, орқада қолувчи; 2) қолиб кетувчи (*қолдиқ сифатида*); 3) тирик қолмоқ, тирик қолиш (*кимнингдир*); 4) қилишни тўхтатмоқ (*бирор нарсани* از); узилмоқ (*бирор нарсадан* از);

			II.1) *кўплиги* بازماندگان [bozmondegon] - марҳумнинг қариндоши; марҳумнинг меросхўри; 2) қолдиқ (*бирор-нарсаники*); 3) эскилик сарқити, сарқит, қолдиқ
675.	بازنده	bozande	1) бой берувчи, ютқизиб қўювчи; ютқазувчи (*ишда ёки ўйинда*)
676.	بازودراز	bozudaroz, bozuderoz	**I.** узун қўлли; **II.***оғзакида* 1) ғолиб, музаффар, енгиб чиққан (ютган) киши; 2) сиқувчи, жабрловчи, золим, зулм

			қилувчи одам
677.	بازور	bozur	кучли, қувватли, бақувват, забардаст, қаттиқ, соғлом, матонатли, иродаси зўр, кучли (бақувват) одам, қудратли, баланд, азимкор, азим, улкан, зўр, катта
678.	بازیافته، بازیافتی	bozyofte, bozyofte	**I.**1) қайта олинган, қайтариб олинган, қайтарилган; 2) осонлик билан олинган, қўлга киритилган; муваффақиятли топилган; **II.** بازیافت [bozyoft]га қаранг
679	بازیگوش	bozigush	**I.**1) шўх,

.			ўйноқи, хушчақчақ, енгилтак, ишвали, нозли, қичиқ, ўйинқароқ, енгилтабиат; тинчимайдиган, тиниб-тинчимас, чопқир, югурик, ғам-ташвишдан ҳоли, беташвиш, беғам, ғам-ташвиш тортмайдиган, бепарво; мулоҳазасиз, кетини (оқибатини) ўйламайдиган; ахлоқи бузуқ, ахлоқсиз, бузуқ, йўлдан озган (тойган), суюқоёқ, саёқ, фосиқ; **II.**1) шўх, ўйинқароқ,

			шумтака, шўхтака, енгилтак (ҳавойи) одам, шўх бола, тўполончи, зумраша, шумтака, шум бола, хувари, зинда, урушқоқ одам, жанжалкаш, бебош; 2) енгил (шўх) йигит, ҳавойи одам, такасалтанг, валакисаланг, ҳавойи, саёқ
680.	بازیگوشی	bozigushi	1) шўхлик, ўйноқилик; чопқирлик, югуриклик; 2) шўхлик, ҳазилкашлик, ҳазил-ҳузул, тўполон, шумлик, жанжалкашлик, тўполончилик, урушқоқлик,

			бевошлик, жанжал-тўполон; 3) беғамлик, бепарволик, беташвишлик; енгилтаклик, мулоҳазасизлик, оқибатини ўйламай иш тутиш, юзакилик, енгиллик; ахлоқсизлик, бузуқлик, саёқлик, фосиқлик
681.	باژگون	bojgun	واژگون [vojgun] га қаранг
682.	باسابقه	bosobeqe	1) стаж, тажрибага эга; тажриба, амалда орттирилган билим, маҳорат; тажрибали, тажрибакор, омилкор, уста, моҳир; ҳадисини олган, пишиган,

			ўткир; тажриба қилинадиган, тажриба ўтказиладиган, тажриба ўтказиш учун белгиланган, тажриба; тажриба (синов) учун ўтказилган (ўтказиладиган, синов); тажрибага асосланган, тажрибадан олинган; 2) кўп хизмат қилган, хизмат кўрсатган (*кимдир ҳақида*)
683.	باسامان؛ باد باسامان	bosomon; bode bosomon	بسامان [besomon] га қаранг; пассат (тропиклардан экваторга томон доим эсиб турадиган

			қуруқ шамол)
684.	بآسانی	beosoni	осонлик билан, осонгина, қийинчиликсиз, қийналмай, бемашаққат, бемалол; осон, тез; жонини оғритмасдан, кучсиз, енгил, енгилгина, салгина, сал; енгилтаклик билан, енгил, юзаки; яхши, енгил, осонгина
685.	باستان؛	boston;	**I.** қадимги, бурунги, узоқ ўтмишдаги, қадимий; жуда эски қадимдан (алмисоқдан, даққиюнусдан) қолган, қўҳна; кекса, қари, қадимдан (қадим замондан)

